

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

**ФАНИДАН БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ УЧУН
ТАЙЁРЛАНГАН**

МАЪРУЗА МАТНИ

БУХОРО - 2016

Касб оламининг психологик муаммолари

Жаҳон психологияси фанининг бой тажрибасида амалий психологлар тайёрлаш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик ижобий, татбиқий маълумотлар муайян даражада умумлаштирилган. Йигирманчи асрнинг 60-йилларидан бошлаб АҚШ, Англия ва бошқа шу каби ривожланган мамлакатларда психологик муаммоларга жуда катта эътибор қаратила бошланди. Ҳозирги кунга келиб ҳар бир соҳада психологлар жалб қилинган. Ҳар бир соҳада психолог маслаҳатига эҳтиёж сезилмоқда.

Инсон қалбини қандай тушунмоқ керак? Нима учун инсонлар турли хил қобилиятларга эгалар? Рух нима ва унинг табиати қандай? Бундай саволлар инсонларни асрлар давомида қийнаб келган улар ўзларининг саволларига жавоб топа бошлаган.

Дунёни ўрганишга бўлган қизиқиш орта бошлаган ва шу билан бирга инсонни билишга бўлган қизиқиш ҳам ортган. Бу ҳолатни ўрганиш учун албатта инсоннинг ҳолатларини таҳлил қилиш талаб қилинади. кўпгина олимлар инсоннинг таркибий тузилмасини таҳлил қилишга катта эътибор қаратганлар. Психология фанида инсон ҳақидаги назарий қарашлар ҳам албатта мавжуддир.

Инсонни ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг яна биттаси Б.Г.Ананьев томонидан таклиф қилинган бўлиб, у инсон психикасини ўрганишда янги методологик услубни ишлаб чиққан. У инсонга хос бўлган тўртта асосий сифатларни ажратган: индивид, субъект фаолияти, шахс ва индивидуаллик.

Индивид тушунчаси бир неча таърифларга эгадир. Биринчи навбатда индивид бу инсон деган маънони билдириб, уни инсониятни ҳар бирига тегишли деб ҳисобласа бўлади. У Хомосапиенснинг ҳамма кўринишларини қамраб олади. Бунда инсоннинг биологик ҳолатини таъриф этилади. Инсоннинг инсон сифатидаги таркиб топишида меҳнат фаолиятининг ўрни катталиги эътироф этилади. Индивид тушунчаси инсонлар жамиятида, ижтимоий мавжудот сифатида ҳам талқин қилинади. Бу ҳолатда унинг биологик мавжудот эканлиги рад этилмайди.

Инсон индивид сифатида баъзи бир хусусиятларга эгадир, Ананьев индивиднинг бирламчи ва иккиламчи хусусиятларини ажратади. Бирламчи хусусиятига ҳамма инсонларга хос бўлган хусусиятлар киради, булар ёш хусусиятлари, жинсий хусусиятлар ва индивидуал типологик хусусиятлар, бундан ташқари тана тузилишини ва миянинг нейродинамик хусусиятларини киритишимиз мумкин. Бирламчи хусусиятларнинг жамланмаси иккиламчи хусусиятларни келтириб чиқаради: психофизиологик функциялар динамикаси ва органик эҳтиёжлар тизими. Булар эса инсоннинг темпераменти ва қобилиятларида ўз аксини топади.

Бошқа бир тушунча инсонни моддий дунёнинг аъзоси эканлигини эътироф қилади. Бу «шахс» тушунчасидир. Бу тушунча «индивид» тушунчаси каби кўплаб маъноларга эгадир. Шахсни асосан онгли мавжудот сифатида эътироф қилинади. баъзи бир муаллифлар шахс тушунчасини индивиднинг тизимли хатти ҳаракати асосида пайдо бўлади деб

тушунтирадилар. Баъзи бирлари эса шахсни ижтимоий мавжудот сифатида эътироф этадилар. Бу тушунчаларни шахс психологияси, мотивация, темперамент, характер ва қобилиятлар орқали тушунтириш мумкин.

Кейинги тушунча сифатида субъект фаолияти тушунчаси киритилган. Бу тушунча индивид ва шахс тушунчалари орасидаги ҳолатларни кўрсатади. Агар инсон субъект фаолияти сифатида кўрсатса, унинг эволюцияси ривожланади. Шахс фаолияти унинг ривожланишисиз аҳамиятга эга эмасдир.

Бизнинг ҳаётимизда психологлар ҳақида турли хилдаги миш-мишлар юрибди. Биз уларни баъзиларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Психология бу инсоннинг қалбини, юрагини ҳаммасини биладиган фандир, психологлар инсонни ичини яхши билади.

2. Психолог-бу инсонлар билан тез мулоқотга кириша оладиган ва одамларни тушуна оладиган инсон ҳисобланади.

3. Психолог – бу инсонларнинг хатти-ҳаракати, хиссиётлари, бошқаларнинг фикрини бошқара оладиган ва шунга махсус ўргатилган инсондир. У шунга хос бўлган техникалардан фойдалана олади, масалан гипноз билан.

4. Психолог бу ўзини яхши тушуна оладиган ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқара оладиган инсон.

5. Психолог – бу ҳаёт ҳақидаги кпроқ тасаввурларга эга бўлган донишманддир, унинг вазифаси қийналган инсонларга тўғри йўл кўрсатишдан иборатдир, ҳаётда ўз йўлини йўқотганларга тўғри маслаҳат беради.

Ҳар бир афсонининг тагида озгина бўлсада, ҳақиқат яширингандир, уларнинг тагида қандайдир асос мавжуддир, бироқ инсонлар ҳақиқатни бўртирилган ҳолда идрок қилишга ўрганиб қолишган, шунинг учун ҳам баъзи бир ҳолатларда психологларнинг фаолиятини ёлғонга қориштиришлари мумкин. Бу фикрларнинг бўрттирилганлиги баъзи ҳолларда инсонларнинг нафақат ўзларига, балки бошқаларга ҳам зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам биз афсонадан ҳақиқатни ажратишимиз талаб қилинади.

Биз юқорида келтирилган афсоналарни диққат билан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Демак:

1. Психология бу инсоннинг қалбини, юрагини ҳаммасини биладиган фандир, психологлар инсонни ичини яхши билади.

Ҳақиқатдан ҳам “психология” атамаси лотинчадан “руҳ ҳақидаги таълимот” деган маънони англатади. Бироқ руҳ, инсоннинг қалбини тўлиқлигича ўрганиш мумкин эмасдир, бунга қаратилган ҳаракат мавжуд бўлиши мумкин. Руҳ бошқа объектларга ўхшаган эмасдир, объектлардан фарқли равишда биз табиат ходисаларини бевосита кўра олмаймиз, ушлай олмаймиз, ўлчай олмаймиз. Бунга биз физик Альберт Эйнштейн ва психолог Жан Пиажеларнинг суҳбатини мисол қилишимиз мумкин. Бир куни психологларнинг фаолияти ҳақида тушунчага эга бўлган Эйнштейн Пиажега қараб шундай дейди “Сизнинг шуғилланадиган объектингизга қараганда мен шуғилланадан фан анча осон ҳисобланар экан. Бошқача қилиб айтганда

қуйидагичадир “назарий физика бу болалар ўйининг сирига нисбатан болаларнинг ўйини ҳисобланар экан. Демак психология фани физика фанидан кўра мураккаброқ экан.

Ҳақиқатдан ҳам психологияда йиғилган билимлар мураккаб ва ранг барангдир, баъзида бир бирини тўлдирса, баъзида эса фикрлар бир бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Психология ҳақидаги билимларнинг ранг баранг эканлигини бошқа фанларни таҳлил қилиш жараёнида ҳам кузатилиши мумкин, шунинг учун ҳам психология фани охирига нажот эшиги бўлиб қолмаслиги керак.

Психологларнинг инсонларни ичидаги ҳамма гапларни билади деган таҳминга келсак, бу жиҳатдан бўрттириш керак эмас. Бироқ кўпгина ҳолатларни оддий инсонларга нисбатан тезроқ англаши ва кузатувчан бўлиши мумкин, чунки психология билан шуғилланадиган инсонлар оддий инсонларга нисбатан ўта кузатувчан бўлишлари мумкин. Бироқ шуни назарда тутинки ҳамма фикрлар бу эҳтимолдаги фикрлар ҳисобланади. Агар психолог мен сизни жуда яхши тушуна олмаман деса, демак бу ҳақиқий психолог ҳисобланмайди.

2.Психолог-бу инсонлар билан тез мулоқотга кириша оладиган ва одамларни тушуна оладиган инсон ҳисобланади.

Ҳар бир инсон маълум бир қобилиятлар мажмуаси билан туғилади, бироқ биз буни ҳаётимизнинг давомида билиб борамиз. Биз инсонларнинг хатти-ҳаракатидаги ҳолатларни туғма эканлигини сезишимиз мумкин, булар индивидуал хатти ҳаракатлар бўлиши мумкин. Масалан асаб тизимининг кучи, хатти-ҳаракати ва бошқалар. Бироқ мулоқотдаги эмпатия ҳолати қийинроқ кечиши мумкин. Психологларнинг орасида инсонларнинг хатти-ҳаракатлари турличадир. Бироқ амалий психолог бир қатор қобилиятларга эга бўлиши талаб қилинади. У ўзида мулоқотга мойиллик ва одамларни тушуна олиш қобилиятини шакллантириши зарур. Бунга мос бўлган психологик методлар мавжуддир.

3.Психолог – бу инсонларнинг хатти-ҳаракати, хиссиётлари, бошқаларнинг фикрини бошқара оладиган ва шунга махсус ўргатилган инсондир. У шунга хос бўлган техникалардан фойдалана олади, масалан гипноз билан.

Ҳақиқатдан ҳам амалий психолог инсонларга таъсир кўрастишнинг маълум бир усулларида фойдалана олади, бироқ улар гипноз билан шуғилланмайдилар, гипноз билан асосан тиббиёт ходимлари шуғилланишади, бироқ психологларда инсонларни ишонтириш учун бир қатор усуллардан фойдаланишади улар психологни мижозни ишончига киришда муаммоларни юмшатишда, ишлатишлари мумкин. Бироқ улар бу кучни зарарга ҳам фойда учун ҳам ишлатишлари мумкин. Агар психолог бошқаларнинг ишончини қозониб, ўз фойдаси йўлида фойдаланиш ахлоқий нуқтаи назардан тўри эмас, бироқ бошқа бир психологларда шу ҳолатларни кузатишимиз мумкин.

4.Психолог бу ўзини яхши тушуна оладиган ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқара оладиган инсон.

Ўзини яхши тушуниш мумкин эмас. Агар инсон мен ўзимни жуда яхши биламан деса бу ёлғон ёки адашади. Бироқ ўзини тушуниш ҳолатлари психологлар учун хосдир. Амалий психолог бошқаларни осонроқ ва тезроқ тушунишини мумкин, у клиентга ёрдам бериши мумкин.

Амалий психолог фаолиятининг хусусиятлари

Амалий психолог статусига эга бўлишни истаган инсонна бир қатор талаблар қўйилади уларнинг биринчиси у олий маълумотли психолог бўлиши зарур. Бундай диплом олий ўқув юртини битирганда ёки иккинчи мутахассислик орқали олинади. Бундан ташқари амалий психолог албатта психотерапия, психокоррекция, пато психология, дефектология, психологик маслаҳат, тиббиёт, педагогика, социология, ҳуқуқ фанларидан ҳабардор бўлиши талаб қилинади. У албатта болалар билан мулоқот қила олиши талаб қилинади. амалий психолог албатта психологик маслаҳат сирларидан ҳабардор бўлиши лозим. Амалий психолог албатта ҳамма соҳаларда ишлайди. Амалий психологнинг статуси раҳбар каби юқори бўлади ва шу билан бирга у ҳаммага ҳамдарад бўла оладиган инсон бўлиши талаб қилинади. У мижоз билан суҳбатлашаётган албатта мижознинг психологик ҳавфсизлигини таъминлаши зарур бўлади. Психолог учун лаши зарур бўлади. Психолог учун психологик хизмат сўрасида ишлаш вақтида албатта психодиагностика соҳасини яхши билиши, психологик маслаҳат бера олиши талаб қилинади. Бундан ташқари амалий психолог ЭҲМ соҳасини яхши билиши таоаб қилинади.

Амалий психологнинг касбий маҳорати унинг билимлари техникаси ва инсон муомаласининг психотерапевтик технологиясини яхши билишида деб ҳисобланилади, у суҳбатга кириша олиши ва инсонларни ўзига жалб қила олиши, уларни ишонтира олиши зарур бўлади. У ўзида ишонч уйғота олиши талаб қилинади ва инсонларга психологик таъсир ўтказа олиши зарур бўлади. Демак бўлажак амалий психологлар учун биринчи талаб уларнинг мулоқот қила олиш қобилиятини мавжудлиги ҳисобланади. Этика жиҳатидан психолог ўз маънавий қадриятларига эга бўлиши талаб қилинади. Бунда у мижознинг шахсиятига тегмаслиги керак. Мижоз билан албатта ширин момалада бўлиши талаб қилинади. Уларнинг ахлоқий жиҳатлари кўйдагиларни ҳисобга олиши керак:

1. Профессионал фаолиятда амалий психолог албатта ҳамма учун масъулиятли бўлиши зарур.
2. Амалий психолог ўз вазифасини сидқидилдан бажариши лозим, у атрофдагиларнинг сўзларига қараб ўзгармаслиги зарур.
3. Психологнинг вазифаси мустақил ва автоном таркибга эга, у ҳеч кимга бўйсунмайди. Унинг психологик нуқтаи назардаги қарори якуний натижага эга бўлиши зарур.
4. Психологнинг қарорини инкор қилиш ҳуқуқига фақат махсус комиссия эга улар юқори малакали мутахассислар ҳисобланиб уларга бундай ҳуқуқлар берилган.
5. Психолог ҳаққоний ва самимий бўлиши зарур.

6. Унда касбий масъулият ҳисси бўлиши лозим.
7. Психолог ҳимоячи сифатида ҳам иштирок этиши мумкин, у ўз миждозларининг психологик ҳолатларини ҳимоя қилади.
8. У психодиагностик ва психокоррекцион ишларни амалга ошираётган вақтида эҳтиёткор бўлиши зарур.
9. Агар психолог миждозининг ҳақ ҳуқуқлар роймол қилинаётган бўлса, у буни юқори ташкилотларга етказиш имкониятига эгадир.
10. У сиёсий ғоялардан, ижтимоий ғоялардан, фалсафий фикрлардан холи бўлиши зарур.
11. Амалий психолог психодиагностик, психокоррекцион, психотерапевтик натижаларни мутахассис бўлмаганларга кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.
12. У инсонларга зарар кўрсатадиган ҳолатлардан узоқроқ бўлиши талаб қилинади.
13. Психолог ўзининг қила олмайдиган ишлари ҳақида миждозга ваъда бермаслиги керак.
14. Психолог ота-онага, ёки юқори мансабдаги инсонларга миждози ҳақида тафсилотларни бўрмаслиги зарур.
15. У ўрганилмаган методикаларни миждозларида қўллаш ҳуқидан маҳрумдир.
16. Психолог албатта сир сақлашни билиши зарур, у миждозининг сирини ҳеч кимга айтмаслиги зарур.
17. Психологик маслаҳатда албатта ўз меъёрларига амал қилиши талаб қилинади.
18. Агар психолог шу меъёрларни бузса албатта амалий психологлар коллегиясида кўриб чиқилади ва тегишли жазо қўлланилади.

Психологнинг энг муҳим касбий хислатларини шакллантириш ва унинг режаси

Психолог албатта қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши талаб қилинади. У мутахассис сифатида маълум бир даражаларга эга бўлиши керак. Ўз масъулиятини амалий психолог албатта ҳамма соҳаларда ишлатиши мумкин. психологда ижтимоий ҳимоя бўлиши талаб қилинади, у ўзини ҳимояланган деб ҳисоблаши керак. Бугда у психологларнинг жамиятига мурожаат қилиши керак бўлади. Бу манзилда амалий психологлар учун ҳимоя берилади. Психологлар бакалавр мутахассисликларида умумий психология, экспериментал психология, ижтимоий психология, психодиагностика, социал тренинг, ёш даврлари психологияси, оилавий муносабатлар психологияси, дифференциал психология, этнопсихология, спорт психологияси, психология тарихи, педагогик психология, олий мактаб психологияси, дин психологияси, маркетинг психологияси ва бошқа психологик соҳалардан илмий назарий маълумотларга эга бўлишади. Уларнинг назарий маълумотлари маълакавий битирув ишларида амалий таҳлил қилинади.

Гуруҳий психологик тренинг амалий психологиядаги фаол усулларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Улар қуйидаги ҳолатларда ишлатилади: 1) клиник

психотерапияда неврозларни, алкоголизмни ва соматик касалликларни даволашда; 2) психик соғлом инсонлар билан ишлашда, ўзини ривожлантириш учун ёрдам ва психологик ёрдам мухтожлар учун.

Бизнинг фаолиятимизда иккинчи ҳолат биз учун муҳимдир.

Психологик луғатда ижтимоий психологик тренинг амалий психологиянинг соҳаси сифатида кўрсатилади. Бунда мулоқот учун лаёқатлилигини аниқлаш учун ишлатилади. Гуруҳий психологик тренинг нафақат ижтимоий психологияда, балки кенг қўлланиладиган усуллардан биридир.

Тренинг фаолияти бўйича етакчи мутахассислардан бири ҳисобланган Ю.Н.Эмельяновнинг фикрига кўра тренинг бу инсонларни турли хил вазиятларда осон мулоқот қилиш имкониятини берадиган усуллардан бири ҳисобланади. Бунга гуруҳда ўқув машқларини мисол қилса бўлади.

Ҳозирги кунга келиб тренинг атамаси ўтган йиллардагидан кўра кенгрок маънога эга бўлмоқда. Нейролингвистика ва акмеология бўйича етакчи мутахассис А.П.Ситниковнинг фикрига кўра: «Тренинг бу ўқув ва ўйин фаолиятини ўзида жам қилувчи синтетик антропотехник усули ҳисобланади». Антропотехника бу инсоннинг ўз қобилиятларини табиий равишда ривожлантиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Антропотехниканинг уч хил кўриниши мавжуд: ўқиш, ўқитиш ва ўйин.

Тренингни кўп соҳаларда ишлатишнинг асосий сабабларидан бири бу мақсадларни кенгайтишидир. Махсус бошқарув тренингларнинг кўпайиши бу шахсий ўсиш ҳисобланади. Психологик тренинг тушунчаси шунчалик кенгдирки у гуруҳий психотерапия, психокоррекция ва ўқитиш билан кесишади.

Психолог тадқиқотчининг олдида қўйиладиган талаблар.

Касб тушунчаси нима эканлигини аниқлаб олишимиз зарур. Таниқли психолог Е.А.Климов касбнинг турли хил ҳолатларини таҳлил қилиб чиққан:

1. Касб бу инсонларни маълум бир ҳолатларидаги бир хиллигидир. Тўғри турли хил касб эгаларининг яшаш шароитлари турлича бўлиши мумкин. Ҳаттоки битта касбда ҳам яшаш даражаси турлича бўлиши мумкин. Бунда уларнинг олдида қўйган мақсадлари ҳам муҳим ўрин тутаетди, бироқ касбларидаги бошланғич қадриятлар бир бирига яқин бўлаётди.

2. Касб инсонларнинг хатти –ҳаракатларини ажратадиган ҳолатдир. Бунда психолог мутахассис сифатида ўзини қандай намоён қилиши кўзда тутилган. Маълумки психология соҳаси хали ҳам ўрганилаётган ва қаримайдиган соҳалардан бири ҳисобланади. Уларнинг усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда.

3. Шахс хусусиятларини акс эттирадиган касб фаолиятидир. Биз кўпгина ҳолатларда психолог қандайдир хизматлар кўрсатишини сезиб, уни ўзини шакллантиришда керак эканлигини унутиб қўямиз.

4. Касб бу тарихий ривожланувчи тизим ҳисобланади. “профессия” сўзи лотинчадан олинган бўлиб барчани олдида гапирмоқ сўзини беради. Касбнинг ўзи инсонларнинг яшаш шароитларига қараб ўзгаради. Асосан

психология касби машхур бўлган шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

5. Психология касби реалликдир, бу субъектнинг ўзини шаклланиш имкониятини яратади. Демак психология касбида инсонларнинг хатти-ҳаракати орқали хулосага келиши мумкиндир. Бунда йўриқномалар иш бермаслиги мумкин. Психология соҳасида инсонларга ёрдам бериш ҳолати энг устун жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Касб тушунчасидан ташқари яна бир ном мавжуд бу мутахассислик ҳисобланади. Масалан психология соҳаси ижтимоий психология мутахассислиги бўлиши мумкин. Умуман олганда касб ўз ичига қуйидаги тавсифларни киритади:

1. Бу меҳнатнинг чегараланган кўриниши бўлиб, психолог учун бошқа мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Бу касб доимий махсус тайёргарликни талаб қиладиган ҳолат бўлиб, бунда мутахассислар доимий тарзда малакаларини оширишлари талаб қилинади.

3. Бу маълум бир мақтовлар, тақдирлаш усуллари керак бўлган касблардан бири ҳисобланади.

4. Жамият учун фойдали бўлган касблардан бири ҳисобланади.

5. Бу касб инсонларга маълум бир статусни бериши мумкин.

Ҳаммага маълумки, кўпгина инсонлар ўзларини яхши психолог деб ҳисоблашади, уларнинг бу фикрга келганликларига сабаб улар инсонлар билан мулоқот қилишади, бошқаларга ҳамдард бўла олишади. Ҳаётий психология инсонларнинг ҳаётида керак бўлган соҳалардан бири ҳисобланади, хаттоки ҳақиқий психологлар ҳам бир неча бор ҳаётий психологияга мурожаат қилишади. Бироқ мутахассислар илмий ва ҳаётий психологияни бир биридан ажратишади. Ю.Б.Гиппенрейтер улар орасидаги 5 та фарқни кўрсатган:

1. Ҳаётий билимлар амалий бўлиб, маълум бир аниқ ҳаётий вазиятлар билан боғлиқдир, бу инсонларнинг хатти-ҳаракатларига таянган ҳолда амалга оширилади.

2. Ҳаётий билимлар интуитив характерга эгадир, психология соҳасида эса психик кўринишларнинг назарий жиҳатдан таҳлилига асосий эътибор қаратилади, бу ҳолатлар эса уларни яхши тушуниш имкониятини яратади.

3. Ҳаётий билимлар жуда чекланган вариантларда берилади, илмий билимлар эса махсус йиғилган тажрибалар тизими орқали узатилади.

4. Ҳаётий психологияда олинган билимлар кузатиш усули орқали амалга оширилади, бунда инсон ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маслаҳатлар бериши мумкин. Илмий психологияда эса олинган билимлар махсус тадқиқотлар ўтказиш ёрдамида аниқланади, бунда илмий тафаккур идрок усулларида жуда кенг фойдаланилади.

5. Илмий психология маълумотларнинг бойлиги, ранг баранглиги билан ҳаётий психологиядан тафовутланади. Ҳаётий психологияда бу ҳолатлар яққолроқ намоён қилинмаслиги мумкин. Илмий билимларнинг умумий характеристикаси унинг тизимли ва тартибли эканлигидадир. Бу эса мутахассис психолог учун билимларини кенгайтириш имкониятини яратади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки Гиппенрейтернинг фикри бўйича илмий психология ҳаётини психологиядан устун эмас. Улар бир бирини тўлдиришади.

2. “Мутахассис” ва “қизиқувчи” психологларнинг психологияси ҳақида. Психологик билимлар ҳақида сўз кетар экан албатта мутахассис психолог ва қизиқувчи психологлар ўртасида албатта тафовутлар мавжуддир. Инсонлар қизиқиш доирасида бир бирига ёрдам қўлини чўзишлари мумкин, бу эса яхшигина самара бериши мумкин. Унда мутахассис психологларнинг нима зарурати мавжуд. Бу савол ҳаммага берилиши мумкин. Кўпинча биринчи ва иккинчи курс талабалари ўзини психолог санаш мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйланиб қолишади. Мутахассис психолог ва қизиқувчи психологларнинг орасида бир қатор фарқлар мавжуддир. Булар қуйдагилар:

а) мутахассис психологларда назарий билимлар тизимининг мавжудлиги, психика ва психология тушунчаларининг умумлаштирилганлиги. Қизиқувчи психологда бу билимлар кўп бўлиши мумкин. У кўплаб адабиётларни ўқиган бўлиши мумкин, бироқ улар ҳақидаги билимлари юзаки ҳисобланади, бу маълум бир давраларда ўз билимларини намоён қилишлари мумкин. Бироқ бундай одамлар назарий билимларга эга бўлмаганликлари учун олинган билимларидан нотўғри фойдаланишлари мумкин.

б) мутахассис психологнинг энг таянч нуқтаси албатта бу унинг илмий билиш усулларидан хабардорлиги ҳисобланади. Агар психолог кўп билимга эга бўлсада, бироқ усулларга эга бўлмаса ҳам қийналади. Шунинг учун ҳам усуллардан кенг фойдалана олиши талаб қилинади.

в) мутахассис психолог ҳар доим назарий асосларга эга бўлган методикалардан фойдалана олади. Бунда назария ва амалиётни бир маромда амалга оширади. Ҳаттоки баъзи вақтларда назарий билимлари оқсаган мутахассис психологлар тўғри танланган методикалар ёрдамида вазиятлардан осон чиқиб кетишлари мумкин. Тўғри қизиқувчилар ҳам турли методикалардан фойдаланишлари мумкин, бироқ улар бу методикаларнинг мазмун моҳиятларини тушунмаган ҳолда ишлатишлари мумкин, бу ҳолатлар эса синалувчиларга албатта салбий таъсир кўрсатади.

г) қизиқувчи психолог фақат яқинларига ярдам кўрсатса, мутахассис психолог мижозлар билан ишлаб уларга тўғри маслаҳат кўрсатиши талаб қилинади. Бундан ташқари қизиқувчи психолог ҳамма масъулиятни ўзига олса, мутахассис психолог эса масъулиятни мижозда шакллантиради.

д) мутахассис психолог бошқа мутахассислар билан доимий алоқада бўлиб туради, демак мутахассис психологлар ҳар доим маълумотларга эга бўлади, бундан қизиқувчи психолог мустаснодир.

е) мутахассис психологда психологик билимларнинг мавжудлиги ҳақидаги ҳужатнинг мавжудлиги, бу эса мижозларнинг уларга мурожаат қилишларида муҳим ўрин тутади, чунки мижозлар албатта мутахассисларга мурожаат қилишни маъқул кўришади.

ё) касфий ахлоқий қоидаларга риоя қилиш бўйича ҳам шу икки психологлар ўртасида албатта фарқ мавжуд. Бунда ахлоқий қоидалар албатта мутахассисларга ўқиш давомида ўқитилади.

ж) мутахассис психолог ўзини ривожлантиришда мутахассисларнинг хизматларидан фойдаланади, кизиқувчи психолог китоблардан фойдаланиши мумкин, бироқ бу тизимли билимлар ҳисобланмайди. Мутахассис психолог мустақил ўрганишга йўналтирилади.

з) психолог мутахассисда меҳнат психогигиенаси мавжуд. Бунда мутахассис психолог бошқаларга ёрдам бериш асносида ўзининг соғлиғига ҳам бефарқ эмаслигини билиши керак бўлади. Кўпинча оддий психологлар соғлиғига эътибор қаратмайдилар уларнинг ўзларига психологнинг ёрдами керак бўлиб қолиши мумкин. Бунда нафақат психологик саломатлик ҳақида, балки жисмоний саломатлик ҳақида ҳам сўз кетиши мумкин.

и) мутахассис психолог кўпгина янги ўйлаб топилган усулларга танқидий нигоҳ билан қарайди, масалан астрология, хиромантия ва бошқаларга.

Мутахассис психологнинг асосий фаолияти албатта меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Инсон ўзининг меҳнат орқали намоён қилиши мумкин. Психологнинг меҳнати ҳақидаги тасавурларни келтириб ўтамиз:

1. “енгил меҳнат” идеали. Бунда инсон меҳнат қилмасдан кўпроқ маош олишни ўйлайди. Бу айнан психологлар учун нотўғри бўлган фаолиятлардан бири ҳисобланади. Чунки улардан меҳнатдан завқланишлари зарур.

2. Нониклик тушунчасини камайтиришга қаратилган фаолият. (антиэнтропизм) мураккаб объектларни осонлаштириш қобилияти ҳисобланади. Бундай вазиятларда ижодий фаолият учун ўрин қолмайди.

3. Қалбан кўрлик. Улар бошқа инсонлар билан хурсанд ва хафа бўла олишмайди.

4. Бошқалардан устун бўлиш хоҳиши. Бу кўплаб психологларнинг бир бирлари билан курашишларига сабаб бўладиган ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Психология факультетлари ва бўлимлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот бериш

Психолог мутахассислик албатта иккита саволга жавоб бериши зарурдир:

Биринчидан, психология тушунчаси инсон фаолиятида кераклиги аниқланиши зарур. Бу фаолият ўзининг махсус ҳолатларига эга бўлиши талаб қилинади, у бошқа фанлардан ажралган ҳолда бўлиши зарур.

Иккинчидан, шу соҳа билан шуғилланадиган инсонлар жамияти бўлиши зарур.

Учинчидан. Мутахассисларни тайёрлаш тизими бўлиши талаб қилинади.

Бундай ҳолатларни асосчиси сифатида Вильгельм Вунднинг (1832-1920) ташкилотини мисол қилиб кўсатишимиз мумкин. Бу Лейпциг экспериментал психология лабораторияси ҳисобланади у 1879 йилда очилган. Мана шу ҳолатдан сўнг психология бошқа фанлар тизимидан ажралиб чиққан. Россияда ҳам психология фани тезлик билан ривожлана бошлаган. В.М.Бехтерев Россияда биринчи бўлим экспериментал психология лабораториясини ташкил қилди (1857-1927), Санкт-Петербургдаги психоневрологик лаборатория Г.И.Челепанов (1862-1936), биринчи

психология институтини ташкилотчиси Н.Н.Ланге (1858-1921), грузин психология мактаби Д.Н.Узнадзе (1886-1950) ва бошқалар психология фанининг равнақиға катта хисса қўшишган.

Назарий психологияни ривожланиши бу асрлар давомида шаклланиб маълум бир тизимга келган. Арастуни психология фанининг отаси деб ҳисоблашади. У руҳ ҳақидаги қарашлари билан машҳурдир. Гиппократ ва бошқа юнон олимлари билан бир қаторда Ўрта Осиё олимлари ҳам психология фанининг ривожланишига катта хисса қўшишган. Улардан Ибн Сино, Фаробий, Фарғоний ва бошқалар.

Лейпцигда психология институтини ривожланишида бир қатор сабаблар келтирилган.

1. Психик жиҳатдан носоғлом бўлган инсонларга нисбатан янги ёндошувнинг пайдо бўлиши, Бу XVIII асрда пайдо бўлиб француз олими Ф.Пинельнинг исми билан боғлиқдир. Ўша даврда психик носоғлом инсонларни жинойтчиларга тенглаштиришган ва уларга қўлланган жазони руҳий жиҳатдан носоғлом инсонларга ҳам қўллашган.

2. Психик касалликларни психотерапевтик усуллар ёрдамида ўрганила бошланди. Бу биринчи навбатда гинноз билан даволаш соҳасига бевосита боғлиқдир. XIX асрда фрунцуз психиатри (Ж.Шарко, И.Бернгейм, П.Жане); австро-венгер психиатри (Й.Брейер у билан фаолиятини бошида ишлаган З.Фрейд) ва рус психиатри (А.А.Токарский, В.М.Бехтерев)лар қўллай бошладилар, сўнгра Фрейднинг психоанализи пайдо бўлгач уни биринчипсихотерапевтик тизим сифатида тан олинган. Юқорида исмлари қайд қилинган муаллифлар психик касалликларга эга бўлган беморлар билан махсус усуллар ёрдамида ишлаш кўпроқ самара беришини аниқладилар.

3. XIX аср охири XX аср бошларида психологик тестлар психологик билим нуктаи назаридан ташқарига чиқди. Биринчи навбатда бу инглиз тадқиқотчиси Ф.Гальтон ва француз олими А.Бине номлари билан боғлиқдир.

4. XX асрда АҚШда ақлий гигиена жамиятининг пайдо бўлиши (К.Бирс).

5. XIX асрдан бошлаб психологиянинг тармоқларини кўпайиши билан боғлиқ.

6. Касб танлаш бўйича психологик маслаҳатни пайдо бўлиши АҚШда (Ф.Парсон).

7. XX асрнинг 10 йилларига келиб психологик мактабларнинг пайдо бўлиши.

8. АҚШда ижтимоий хизматчиларнинг фаолиятини кенг йўлга қўйилганлиги.

9. XX асрнинг 40 йилларида экзестенциал-гуманистик психология ва амалий маслаҳатни пайдо бўлиши.

Россияда эса бу тарих бошқача аҳамияти касб этади:

1. В.М.Бехтерев томонидан 1885 йилда Казан давлат университети, асаб касалликлари кафедрасида экспериментал лабораторияни пайдо бўлиши, 1908 йилда Санкт-Петербургда ҳам ҳудди шундай лаборатория очилган.

2. Г.И.Челепанов томонидан Москва Университети қошида психология институтининг очилганлиги, у 1912 йилда фаолият кўрсата бошлаган. Ўша йилларда бу энг катта институт хисобланган.

3. Ёш болаларни фаолиятини ўрганишга бағишланган жараённинг бошланиши. Педология фани революциядан олдин ҳам ишлатилган. Педология 1936 йилда ўз фаолиятини тўхтатган.

4. Мехнат психологияси ва психотехникаларнинг пайдо бўлиши.

5. 1925 йилда И.Дермаков томонидан психоаналитик институтнинг пайдо бўлиши, бироқ бу ғоявий мафкураларга кўра ёпилган.

6. XX асрнинг 20-30 йилларида илмий мактабларнинг пайдо бўлиши.

7. С.Л.Рубинштейн томонидан МГУда ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ қошида психология бўлимининг пайдо бўлиши 1943 йилда.

8. 1945 йилда С.Л.Рубинштейн томонидан психология секторини очиши.

9. СССРда психологлар жамиятини пайдо бўлиши

10. 1966 йилда биринчи психология факультети очилди унинг биринчи декани А.Н.Леонтьев; Ленинградда эса Б.Ф.Ломов бўлди.

11. 1966 йилда Россияда XVIII халқаро психологларнинг конгресси бўлиб ўтди. Бунда чет эл психологлари ҳам фаол қатнашди.

12. 1971 йилда Фанлар академиясида психология институти очилди, унинг биринчи директори Б.Ф.Ломов бўлди.

13. XX асрнинг 80 йилларида психологик маслахатни Россияда кенг авж олиши.

Ўзбекистон психологиясида қуйидаги ҳолатларни қайд қилишимиз мумкин.

1. Рус психологларида Ивановнинг Ўрта Осиё Давлат Университетида дарс бериши.

2. Мантиқ кафедраси қошида психология фанининг ўқитилиши.

3. 1972 йилди Тошкент давлат Университети қошида психология кафедрасини ташкил топиши.

4. Биринчи профессорнинг пайдо бўлиши М.Г.Давтешин, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова

5. Ўзбекистонда Олий аттестация комиссиясининг пайдо бўлиши ва фан номзодлари химоясининг Ўзбекистонда ўтказилиши.

6. Психологлар жамиятини пайдо бўлиши

Касбий психология фани яна нималар билан шуғилланиши таҳлил қиламиз. Психология фанини тизимлаштириш ҳақида 1900 йилда 4 Халқаро конференцияда қайд қилинган. Махсус тузилган комитет қуйдаги тизимни тавсия қилди:

1. Умумий бўлим:

- Ишни тизимга келтирувчи китоблар.
- Умумий муаммолар, методлар, терминалогия ва асбоблар.
- Психология тарихи ва биография.

2. Асаб тизимининг анатомияси ва физиологияси:

* умумий саволлар

* асаб тизимининг бўлимлари

- * Мия фаолияти ва унинг функциялари.
- * орқа мия, асаб тизимлари ва симпатик асаб тизими
- * рефлекс ва автоматик функция
- * Анатомия патологияси

3. Сизги:

- * Умумий саволлар. Синестезия.
- Сизги органлари –умумий саволлар.
- Психометрика.
- Психофизика.
- кўриш ва окуломотор функциялар.
- эшитиш.
- Бошқа сезгилар.
- Сизгининг умумий патологияси.

4. Онг тавсифи.

- Умумий саволлар.
- диққат, апперцепция, танлов.
- Ассоциациялар.
- Одат, мослашиш, адаптация.
- Фаолият ва чарчаш.
- онгга вақтинчалик муносабат, ақлий хронометрия.

5. Билиш жараёнлари.

- Умумий саволлар.
- Идрок ва тасаввур, санаш.
- Вақтни, фазони ва ҳаракатни идрок қилиш.
- Хотира ва хаёл.
- ишонч ва ҳукм, қарор қабул қилиш.
- Рефлексия ва ўзини англаш.
- Нормал иллюзиялар ва нормал таъсир кўрсатиш.
- Билиши жараёнларининг умумия патологияси.

6. Аффектив жабҳа —хиссиёт ва эмоциялар.

- Умумий саволлар, ёқимли ва ёқимсиз.
- Эмоциялар ва уларнинг кўриниши.
- Хиссиётнинг умумий патологияси.

7. Анланган мақсад ва ҳаракат.

- Умумий саволлар.
 - Ҳаракат органлари.
 - Инстинкт ва импульс (тақлид қилиш, ўйин ва бошқалар).
 - Махсус мотор функция (тил ва жигар, хуснихат ва расм, паходка, бошқа мотор функциялар).
 - ирода ва ҳаракат.
 - ирода эркинлиги.
 - мотор функцияларнинг умумий патологияси.
- ### 8. ақлнинг юқори кўринишлари.
- Мантиқ ва фан, методология.
 - Идеаллар ва қадриятлар.

- билиш назарияси.
- Эстетика.
- Этика.
- Дин.

9. Туш, транс ҳолати ва патология.

- Туш ва туш кўриш.
- Гипноз ва транс ҳолати.
- Парапсихологик тадқиқотлар.
- Патология ҳақида умумий саволлар.
- асаб касалликлари.
- Психик касалликлар.
- Тиббиёт судли таҳлили.

10. Генетик, ижтимоий ва индивидуал психология.

- Эволюция и наслийлик.
- Солиштирма психология.
- Ақлий ривожланиш.
- Индивидуал психология. Гуруҳлар психологияси.
- Халқлар психологияси.
- Социал психология.
- Ирқий психология.

Энди хозирги давр психологияси билан солиштирамиз.

1. Умумий бўлим.

- Психология тарихи.
- Фалсафа.
- Парапсихология.
- Назария ва тизимлар.
- Ташкиллаштириш.
- Психологларни тайёрлаш ва ўқитиш.
- Психологияни касбий муаммолари.
- Умумий бошқарув.
- Библиография.

2. Методология ва методика.

- Моделлар ва математик моделлар.
- Математик статистика (эксперимент схемаси, формуллар ва ҳисоб китоб, статистик таҳлил).

- Компьютерда ишлаш ва программалаштириш.
- Тестлар (тестларни тузиш, стандарлаштириш, баҳолаш).
- Эксперимент ўтказиш ва кузатиш техникаси.

3. Аппаратура.

3. Эксперименталь психология.

- Назариялар.
- Психофизика.
- Идрок (иллюзич, вақт).
- Кўриш (идрок, рангли кўриш, кўз ҳаракати).
- эшитиш (идрок, товушларни фарқ қилиш, аудиометрия).

- Сезги органларнинг биохимияси.
- Кинестезиялар ва умумий сезгиларр».
- Атрофга таъсир кўрсатиш.
- Туш, чарчаш ва туш кўриш.
- Гипноз ва таъсирга тушиш.
- Мотивация ва эмоциялар.
- Диққат, кутиш, установка.
- Моторика.
- Ўргатиш.
- Хотира.
- Тафаккур (Масалани ечиш, тушунча).
- танлов вазияти ва хатти ҳаракатининг қарори.

4. физиологик психология.

- Нейроанатомия.
- Бош миянинг шикастланиши.
- Бош мия стимуляцияси.
- Электроэнцефалография.
- Сезги органлар физиологияси.
- Биохимическ таъсирлар.
- Кардиоваскуляр таъсирлар.
- Атрофнинг таъсири (стресс).
- Генетика.
- Шахс коррелятлари.

5. Хайвонлар психологияси.

- Солиштирма психология.
- Табiiй шароитларда кузатиш.
- Биринча тажриба.
- Эмоция ва мотивация.
- Ўқитиш.
- Социал ва жинсий хатти-ҳаракат.
- Комплекс жараёнлар.

6. Генети психология (Тараққиёт психологияси).

- чақалоқлик даври.
- болалик.
- ўсмирлик даври.
- Етуклик.
- Геронтология.

7. Социал психология.

- Ижтимоий жараёнлар ва маданият.
- Жинсий хатти-ҳаракат.
- Муносабат ва фикр.
- Гуруҳий жараёнлар (бошқарув муаммоси).
- тил ва коммуникация.

8. Шахс.

- Интеллект.

- Ижодий қобилиятлар.
 - Шахсни ўрганиш.
 - Жисмонийкоррелятлар.
9. клиник психология.
- Психотерапия ва анализ.
 - Даволашнинг ташкилий масалалари ва шифохонада даволаш.
 - Психодрама.
 - Психоаналитик таҳлил.
 - Психодиагностика.
 - Хатти-ҳаракат патологияси.
 - Психосоматика.
 - Казуистика.
 - Психогигиена ва реабилитация.
 - Консултация (оила ва никоҳ, ижтимоий муаммолар).
 - Дефектология (кўрлик ва карлик).
 - Нутқдаги бузилишлар.
 - Неврологик бузилишлар.
 - Ақлан орқада қолганлик.
10. Педагогик психология.
- Программалаштирилган ўқитиш.
 - Мослашишга бўлган қобилият.
 - Тест.
 - Жисмоний ўқитиш.
 - Ўқитишнинг махсус тури.
 - Синфдан ташқари бошқарув.
 - Педагогик персонал.
11. Ҳарбий психология ва персонални танлаш.
- Касбий маслаҳатва бошқарув.
 - маълум бир мансабга танлаш.
 - Тренировка.
 - Ишдаги вазиятлар таҳлили.
 - Вазифаларни бажариш ва қониқиш.
 - боқариш ва ташкилий масалалар.
 - Махсус муҳит.
 - Реклама психологияси ва истеъмол қилиш.
 - Мухандислик психологияси.
 - Транспорт ходимларининг психологияси ва уларнинг хавфсизлиги.

Юқорида кўринганидек психология соҳаси жуда такомиллашди. Энди 1996 йилда 26 конференцияда келтирилган психология соҳаларини келтирамиз.

1. Тарих ва назария.
2. Тадқиқот методлари ва статистика.
3. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати.

4. Сенсор ва мотор жараёнлар.
5. Диққат ва идрок.
6. Нейро фанлар.
7. Нейропсихология.
8. Эмоция ва мотивация.
9. Ўргатиш.
10. Хотира ва билиш.
11. Тил, нутқ ва муомала.
12. Когнитив фанлар ва интеллектуал тизим.
13. Эргономика ва инсон омили.
14. Ривожланиш босқичлари.
15. Ривожланиш жараёнлари.
16. Таълим психологияси.
17. Шахсий жараёнлар ва индивидуал фарқлар.
18. Социал психология.
19. Социал муаммолар.
20. Жинсий фарқлар.
21. Психология ва ҳуқуқ.
22. Кросскультур психология.
23. Сиёсий психология.
24. Клиническая ва консултацион психология.
25. Саломатлик психологияси.
26. Психология илмий дисциплина сифатида.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида психологияни қуйдаги соҳалари мутахассислар учун ўқитилади:

1. Умумий психология (эволюцион психология, шахс, сезги идрок, ички регуляция, диққат ва хотира, тафаккур ва нутқ);
2. Психодиагностика ва социал тренинг;
3. Социал психология;
4. Сиёсий психология
5. менеджмент психологияси;
6. Ташкилий психология;
7. Юридик психология;
8. Меҳнат ва муҳандислик психологияси;
9. Тиббиёт психологияси;
10. Психофизиология;
11. Махсус психология;
12. Дифференциал ва ёш даврлари психологияси;
13. Педагогик психология;
14. Психологик маслаҳат
15. Этно психология ва дин психологияси.
16. Спорт психологияси.
17. Психология тарихи.
18. Педагогик психология.
19. Психологияда математик методларни қўлланилиши.

20. Ҳарбий психология.

21. Шахслараро муносабатлар психологияси.

Психика ҳақида умумий тушунча.

Психиканинг асл маъноси нимани англатишини ва инсон психикасига унинг таъсирини аниқлашимиз лозим. Психология фанининг тарихи, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, психологияни вужудга келиши фан сифатидаги фаолиятини бошлашини таҳлил қилиш керак. Психология фанининг қадим юнонларда, римликларда, Ўрта Осиёда ривожланиши тарихи ҳақида талабаларнинг онгига сингдириш. Юнон олимларидан Афлотун, Арасту, Греклит, Суқрот, Геродотнинг психология фанига қўшган хиссалари ҳақида сўз юритиш. Ибн сино, Фаробий, Беруний ишларининг таҳлилда психология фанининг асосларини тушунтириш.

Психологиянинг методлари қандай усул эканлиги улар бошқа усуллардан нимаси билан фарқ қилишини таҳлили қилиш, кузатиш, суҳбат, тест, анкета, саҳналаштириш, олинган натижаларни қайта ишлаш, социометрия, лангитюд, эгизак, эксперимент усуллари ҳақида талабаларга билимлар бериш. Кузатиш усули энг қадимий усуллардан бири ҳисобланиб, инсоннинг психологик ҳолатларини билиш жараёнларини аниқлашда ишлатилади, суҳбат усули асосан икки ва ундан кўп инсонлар жамоси бўлган ҳолатларда ишлатилиши мумкин. Тест усули ақлий жараёнларни, психологик ҳолатларни, индивидуал психологик хусусиятларни аниқлашда ишлатилади. Тест усули индивидуал ва гуруҳий қилиб ўтказилиши мумкин, анкета усули асосан ижтимоий фикрларни билиш учун ва уларнинг ҳолатларини таҳлил қилишда ишлатилади. Саҳналаштириш учули асосан юридик психология фанида ўтказилиши мумкин, лангитюд усули узлуксиз усул бўлиб бир объектни бир неча йиллар давомида ўтказилиши натижасида юзага кела ва таҳлил қилинади. Социометрия усули гуруҳ ичидагиларни фикрларини билдириш учун ўтказиладиган объектив усуллардан бири ҳисобланади. социометрия усулининг энг яхши томонларидан бири бу гуруҳнинг фикри аноним тарзда олинганлиги учун гуруҳ аъзолари ўз фикрини ҳеч иккиланмасдан беришлари мумкин. Проектив усул бу расмлар орқали таҳлил қилинган усуллардан биридир. Бунда текширилувчиларга расм чизиш таклиф қилинади. Расмлар орқали унинг индивидуал психологик хусусиятлари ва аффектив ҳолатларини аниқлашимиз мумкин. Проектив методикаларга Уй, одам дарахт, Мавжуд бўлмаган ҳайвон, Оила расми, Автопортрет каби методикалар киради. Эксперимент усули бу психология фанининг энг қадимги ва ишончли усулларидан бири ҳисобланади. Эксперимент усули табиий эксперимент, лаборатория шароитидаги экспериментларга бўлинади.

Психологиянинг соҳалари.

Психологиянинг кўплаб соҳалари мавжуддир. психология фанида асосий фан деб умумий психология фанини айтса бўлади, у психик фаолият

формаларини, психология фанида пойдевор вазифасини бажаради. умумий психология таркибида бир қатор бўлимлар мавжуддир, булар:

- эволюцион психологияга кириш;
- билиш жараёнларининг таҳлили (сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл).
- аффектив ҳаётдаги жараёнлар таҳлили (инсоннинг эҳтиёжлари, ҳиссиётнинг мураккаб формалари).
- инсон фаолиятининг психологик кўринишини ва унинг фаоллигини бошқариш;
- шахс психологиясини ва индивидуал фарқларни таҳлил қилиш.

Умумий муаммоларга қуйидаги олимларнинг ишлари қаратилган: Германиялик В.Вундт, АҚШда У.Джемс, Францияда А.Бинэ, П.Жанэ, А.Валлон, А.Пьерон, П.Фресс, рус олимларидан Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, А.А.Смирнов, Б.М.Теплов ва бошқалар.

Умумий психологияга биологик фанларни ҳам қўшиб ўтилади. буларнинг ҳаммаси инсоннинг психик фаолиятини табиий илмий асоси сифатида таҳлил қилинади. Биринчи фан сифатида *солиштирма психология ёки зоопсихология*ни айтишимиз мумкин. бу фан қуйидагилар билан фарқланади: 1) эволюция босқичларида ҳайвонларнинг ўзига хослиги кузатилади; 2) ҳайвонларнинг тузилишига қараб хатти ҳаракатлари ўрганилади; 3) атроф муҳит таъсиридаги ҳайвонларнинг хатти ҳаракатлари ўрганилади. иккинчи биологик гуруҳга *психофизиология* фани киритилади. бу фаннинг асоси 19 асрнинг иккинчи ярмида яратилган, бунда олимлар инсонни ўрганишда турли физиологик услублардан фойдаланишган, улар психологик жараёнларни физиологик механизмларини таҳлил қилишган. Айнан шу олимлар биринчилардан бўлиб психологик лабораториялар яратишган. Улар инсонлар ўртасидаги индивидуал фарқларни кузатишган, шу орқали психофизиология фани юзага келган. Бунда кўплаб методлар қўлланилган.

Психофизиология психологиянинг махсус соҳаси бўлиб, у физиология, физика, биофизика, химия фанларига алоқадордир. Учинчи биология соҳасига боғлиқ психология фани *нейропсихология* деб номланади. Бу фаннинг вазифаси инсондаги нейронларнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини ўрганишдан иборатдир. Бу соҳа мия пўстлоқлари орасидаги ҳолатларни таҳлил қилади. Чап ярим шарлар ва ўнг яримшарлар ўртасидаги фарқларни ҳам нейропсихология орқали ўрганишимиз мумкин. Бу соҳани қуйидаги олимлар ўрганишган. К.С.Лешли ва К.Прибрам (АҚШ), Зангвилл (Англия), Б.Милнер (Канада) А.Р.Лурия (СССР) ва бошқалар. Нейрохирургиянинг олдида *патопсихология*ни ҳам қўйишимиз мумкин, инсонларнинг мияларидаги нуқсонлар уларни касалликларини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Кейинги соҳа *генетик психология, болалар психологияси* ҳисобланади. бунда болалардаги ўзгаришлар таҳлил қилинади, уларнинг қобилятилари, индивидуал ҳолатлари таҳлил қилинади. кейинги соҳа *дифференциал психология* деб номланади, бунда болалар ва катталар ўртасидаги индивидуал

фарқлар аниқланади.

Кейинги соҳа *психолингвистика* ҳисобланади, бунинг асосий вазифаси мулоқот вақтида нутқий қонунларга амал қилишдан иборатдир.

Психологиянинг муҳим соҳаларидан бири бу *ижтимоий психология*дир. Бу соҳа инсонларнинг мулоқот вақтидаги психологик қонуниятларини ўрганишади. бунда лидерларни, кичик гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар ўрганилади.

Бундан ташқари психологиянинг жуда кўплаб соҳалари мавжуддир. Ҳозиргача унинг 300 дан ортиқ соҳасини ажратишимиз мумкиндир.

Психология фанининг методлари.

Ҳар бир фанда аниқ, ишончли услублар мавжуд бўлиши керакдир. Бу фаннинг асоси бўлиб хизмат қилади. Биринчи усул сифатида ўз ўзини кузутиш усулини киритишимиз мумкин. Ўз ўзини кузатиш усули психология фанини бошқа фанлардан ажратган усуллардан бири ҳисобланади. Психологик таҳлил вақтида учта асосий усул фойдаланилган бу тизимли таҳлил, экспериментал генетик, экспериментал патологик усул деб номланади. Тизимли таҳлил усули қуйидагича амалга оширилади: психолог синалувчининг олдига мавжуд бўлган муаммони қўяди, синалувчи эса шуни ечиши керак бўлади. бунда психолог нафақат якуний натижани қайд қилади, балки бутун тадқиқот давомида ўзини қандай тутганлигини таҳлил қилади, бунинг ёнига экспериментал генетик усулни киритишимиз мумкин, бу болаларни таҳлил қилаётган вақтда катта аҳамият касб этади. маълумки юқори психик жараёнлар узок муддатли ривожланишнинг махсулидир. Шунинг учун ҳам психолог учун бу жараён қандай кечганлигини кузатиш жуда муҳимдир. экспериментал-генетик усул рус олимлари томонидан кенг қўлланилган.

Кейинги усул шахс патологикасини аниқлашда ишлатилган. бундан ташқари психологик тестлар усули мавжуд.

Психологиянинг ўзининг методлари мавжуд. Илмий тадқиқот усули орқали маълумотлар олинади, илмий назариялар ишлаб чиқилади ва улар текширилади. ҳар қандай фаннинг ривожланиши унинг методларининг ишончилигига таянади.

Психология фанида иккита асосий усулни ажратишимиз мумкин. Объектив ва субъектив методлар.

Субъектив методлар текширилувчиларнинг ўзини баҳолашига ва ўзига ҳисобат беришига таянади. Субъектив усулларга қуйидагилар киритилади: кузатиш, ўз ўзини кузатиш, сўров.

Кузатиш усули психология фанидаги энг қадимий усуллардан бири ҳисобланади, у содда усуллардан биридир. Бу усул инсонларнинг режали кузутиши асосида амалга оширилади, бунда синалувчиларнинг ҳаётига аралашмасдан амалга оширилади. психологияда кузатиш ҳамма жиҳатларини қоғозга қайд қилиш орқали амалга оширилади. Кузатиш усулидан ҳамма инсонлар фойдаланиши мумкин. Бироқ илмий кузатиш оддий кузатишдан фарқланади. Илмий кузатиш тизимли тарзда амалга оширилади. кузатиш

турли хил кўринишларда амалга оширилади. Кўшилиб кузатиш бунда психолог воқеалар иштирокчисига айланади. кейинги усул ўзини ўзи кузатиш ҳисобланади. Ўзини ўзи кузатиш махсус усул бўлиб ҳисобланиб, фақат психология фанида қўлланилади. Бу ютуқлар билан бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, ўз ҳиссиётларини кузатиш қийин.

Иккинчидан, ўзини ўзи кузатишда субъектив фикрдан қочиш мумкин эмас.

Учинчидан, ўзимизнинг ҳиссиётларимизни кўрсатиб бериш қийиндир. Ўзини ўзи кузатиш психолог учун жуда муҳимдир. ўзини кузатиш усули эксперимент билан биргаликда қўлланилади. бунда экспериментал ўзини кузатиш деб номланади.

Психиканинг вужудга келиши ва унинг эволюцияси.

Узоқ вақтлар давомида психология табиий, ижтимоий фанлардан ажратилиб ўрганиладиган илм соҳаси сифатида қаралган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ўша пайтларда психология, инсон руҳи идеалистик нуқтаи назаридан талқин этилган. Психология олдида турган асосий вазифа асосан инсон ички оламини ўрганиш бўлиб, бу ички оламга ташқи дунёга алоқасиз равишда организм ичида пайдо бўладиган ичкарида кечадиган жараёнлар, ҳолатлар сифатида талқин этилган. Масаслан Р.Декартнинг таъкидлашича, инсоннинг ўзини ўзи англаши унинг руҳий ҳаётига хос бўлган нарса бўлиб барча психик кечинмаларнинг мураккаблиги фақат ана шу ички жараёнларгагина боғлиқдир.

Ўтган асрда ана шу ички оламини ташқи оламга қарши қўйиб, уни ажратган ҳолда талқин этиш ғояларига қарши кураш авж олиб кетган эди бундан 100 йилча муқаддам И.М.Сеченов томонидан ҳис этиладиган ва амалга ошириладиган психологик фаолиятларнинг ўрганиши керак деб айтади.

И.М.Сеченов томонидан таклиф қилинган оеффлектор назария концепцияси дуализм қарашларини психик ҳаётга тадбиқ этиш бўйича биринчи илмий қараш бўлмаган.

Психологиян табиат ва жамият ҳақидаги фан сифатида жорий қилиш собиқ совет психологларининг асосий мақсадларидан бири бўлган.

Собиқ совет психологларининг ишида психология ички дунё ҳақидаги фан сифатида эмас балки, ташқи кўринишлар ҳақидаги фан деб ҳисобланган. Психологияни руҳий ҳаётнинг ўзига хослиги ҳақида эмас, балки ҳаёт фаолиятининг узоқ муддат ривожланиши натижаси сифатида, унда организмнинг атроф муҳит билан фаол ўзаро алоқага киришади, унда у ўз ўрнини топишга интилади. Бундай акс эттириш жараёнида, атроф муҳитнинг таъсири остида миёда психик жараёнлар вужудга келади. Бу ҳолат эса психиканинг ички дунё ҳақидаги фан тушунчасини йўқотган ва бунинг натижасида эволюцион ривожланиш вужудга келади. Психик жараёнлар шу тариқа ўрганиш объекти бўлиб қолган.

Собиқ совет психологларининг фикрига кўра психика ҳаёт фаолиятида вужудга келмай, балки организмнинг ҳаёт фаолиятини маълум шарт

шароитларда вужудга келтиради. Масалан: нотирик табиатда алоҳида буюмларнинг ўзаро алоқаси мавжуд. Бироқ бундай алоқалар уларнинг яшаши учун шароит ҳисобланмайди қоя сувдан мустақил равишда бўлиши мумкин, сув қирғоқдан мустақил равишда мавжуд бўлиши мумкин. Масалан: керосинда мавжуд бўлган каклий очик ҳавога қўйилганда учиб кетиши мумкин. Ернинг ривожланиши жараёнида жуда мураккаб қўшилишлар вужудга келган. Бу катта молекулалар концерватлар деб аталган. Уларнинг асосий хусусиятлари уларнинг қисмларга тез ажрала оладилар, чунки модда алмашинуви кўпроқ бўлар экан. Бу молекулалар янги моддаларни қабул қилиб, ўзлаштириши ташқи олам махсулотларини сочиши керак. Шу тариқа ўша катта молекулалар атроф муҳитда моддалар алмашинуви учун керак. Моддалар алмашинуви пассив жараён ҳисобланмайди. У оксил молекулаларнинг ҳаётини фаолият жараёнини амалга оширади. Шу тариқа тирик ҳаёт вужудга келади. Бу ҳаётда майда организмлар вужудга келади. Бу тўқималарнинг мавжудлигининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар моддаларга қўзғовчиларни ҳар доим топа оладилар. Шу даражада ҳам тирик моддаларда эҳтиёжлар пайдо бўла бошлаган. Ҳамма ташқи олам кўринишидан ҳаётни қўллаш учун биотик таъсир ва мавжуд бўлмаган абиотик таъсир мавжуд эди. Агар биз ҳаёт эволюциясини диққат билан кузатсак, уларни маълум бир босқичларга ажратишимиз мумкин. Биринчи босқич бу ўсимликлар олами. Бу форма эволюциянинг ҳамма босқичларида учрайди. Содда бир тўқимали сув ўтларидан тортиб, то замонавий ўсимликларга қадар.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра ўсимликлар оламининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар маълум бир жойга боғланганлар, ҳаракат қилмайдилар. Ўсимликлар олами маълум бир моддалар алмашинувида тўхтайдди. Ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти 1 биотик омилларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўсимликлар маълум бир шароитларга нисбатан сезувчан бўлиб қоладилар. Демак ўсимликлар ҳам ўз эҳтиёжларига эгадирлар. Ўсимликлар уларга таъсир қилаган омилларга нисбатан таъсирларга жавоб бериш хусусиятларига эгадирлар. Ўсимликлар маълум бир ҳудудга боғлангандирлар, ундан ортикча ҳаракат қилмайдилар. Ўсимликлар ёруғликка, ҳароратга, кимёвий таъсирларга нисбатан таъсир бериш хусусиятларига эгадирлар. Бундай ҳаракатлар тропизмлар деб аталади.

Тропизмлар фототропизм (ёруғликка жавоб), термотропизм (ҳароратга), геотропизм (ер марказига интилиши), хемотропизм (кимёвий таъсирларга) ларга бўлинадилар. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тропизмлар ижобий (таассурот келган йўналишга қараб интилиш) ёки салбий (зарарли таассуротларга интилиш) характерга эга бўлиши мумкин.

Ўсимликлар дунёсидан фарқ қилувчи босқич бу ҳайвонот олами ҳисобланади. Ҳайвонот оламининг ўсимликлар дунёсидан фарқланувчи хусусиятлари бу ҳайвонларда ҳаракатнинг мавжудлигидир. Бу баъзида етарли ҳисобланмайди, чунки баъзи бир ўсимликлар ҳаоакатланиш хусусиятларига эгадирлар. Масалан кунгабоқар ёки пашша ютувчи ўсимлик, кунгабоқар қуёшга қараб ҳаракатланса, пашша ютувчи пашшаларга қараб

ҳаракатланади. Лекин бундаай ҳаракатлар ҳайвонларнинг хатти ҳаракатларидан фарқланади. Ҳайвонларнинг ҳаракати фаол характерга эга. Ўсимликлар дунёсидан ҳайвонот дунёсига ўтишдаги янгилик бу ҳайвонларда янги қўзғатувчининг кўриниши вужудга келишидир. Ҳаттоки энг содда тузилган ҳайвонлар ҳам биотик қўзғатувчиларни пайдо бўлишини намоён қилишлари мумкин. Бу А.Н.Леонтьев талқитнига кўра сезувчанлик деб номланган. Ҳайвонларда сезувчанликнинг пайдо бўлиши янги хусусиятлардан бири ҳисобланади ва бу эса янги организмларни вужудга келтиради, бу ҳолат эса психиканинг вужудга келишининг асосий омили ҳисобланади.

**Филогенезнинг дастлабки босқичида хатти-ҳаракатнинг
ривожланиши. Асаб тизимидан аввалги давр ва асаб тизимининг
шаклланиши.**

Америкалик тадқиқотчи Женнигс энг содда жонзотларда тадқиқот ишларини олиб борган. Маълумки амёбанинг танасига тегилса, унинг ҳолати ўзгаради. Тегилган жойда ёлғон оёқлар пайдо бўлади. Булар псевдоподиялар деб аталади, амёба шу оёқлари билан объектни ушлаб олади, агар бу объект озуқа бўлса амёба уни ўзлаштиради, агар озуқадан ташқари нарса бўлса амёба уни ташлаб юборади. Бунга яқин жавобни дистант қўзғатувчилар орқали таъсир қилинганда кузатишимиз мумкин. Баъзи бир ҳолатда амёба маълум бир масофада турган объектга яқинлаша бошлайди ва уни ушлаб олади, бошқа ҳолларда эса улар тесқари хатти-ҳаракатларни амалга ошира бошлайдилар. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра буни куйидагича изоҳлаш мумкин, заиф қўзғатувчилар амёбаларда фаол реакцияни вужудга келтиради ва аксинчакучли қўзғатувчилар тесқари эффеқтни вужудга келтирад, бу эса амёбани қўзғатувчидан узоқлашишига олиб келади. Амёбанинг танаси бир хил бўлмаган қаватлар протоплазмасидан иборат. Ташқи протоплазмагель ҳолатида бўлади, ички проторлазма золь (суюқлик) ҳолатида бўлади. Протоплазманинг ташқи қаввати ташқи таъсирга қўзғалувчан бўлади, шундан сўнг у золь ҳолатига ўтади. Бу ёлғон оёқларнинг шаклланишига сабаб бўлади, шундан сўнг амёба ҳаракатланади.

Фотернинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, амёбага 20 марта заиф механик таъсирдан 2 тасига жавоб қайтаради, заиф ёруғликка эса умуман жавоб бермаган, бироқ ёруғлик ва механик стимулларнинг 20 тасидан, 16 тасига жавоб қайтарган.

Майер ва Шрейрл тахминларига кўра заиф қўзғоовчиларга нисбатан ижобий, кучли қўзғовчиларга нисбатан салбий таъсиротлар вужудга келади.

Блесс ва Лернтъевларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, дафния ёоуғликка нисбатан тўғри ҳаракатланмасдан, балки ёйсимон ҳаракатланар экан.

Поляк олими Дембровскийнинг тадқиқотларида ҳам содда ҳайвонларни керакли ҳаракатларни амалга оширишга ўргатиш мумкинлиги кўринган. У бир хужайрали ҳайвонларни думалоқ идишга солиб қўйиб, уларни қандай

ҳаракатланишини кузатган, уларнинг ҳаоакатлари бошида хаотик характерга эга бўлган, маълум муддат ўтгандан сўнг эса, бу тартибланган ҳаракатга айланган. Тадқиқотчилар жуда қизиқ маълумотларга эга бўлишган, бир хужайрали ҳайвонларнинг қўзғатувчиларини тарқалиши секундига 1-2 микрондан ошмаса, энг содда асаб тизимига эга бўлган ҳайвонларда тезликни тарқалиги катта ҳисобланади, у секундига 50 смни ташкио қилади, қурбақанинг асаб тизимини тарқалиш тезлиги 25 метрга, инсонники эса секундига 125 метрни ташкил қилар экан. Бу ҳолатлар шуни кўрсатадики, маълум бир асаб тизимига эга бўлган ҳайвонларда асаб тизимининг тезлиги ошар экан. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси асаб тизимининг пайдо бўлиши замин бўлиб ҳизмат қилган. Энг биринчи асаб тизими тўрсимон асаб тизими ҳисобланади. Бу асаб тизимининг толалари тўрга ўхшаш бўлганлиги сабабли у тўрсимон асаб тизими деб юритилган. Бу нерв толалари жуда кучли сезувчанликка эга бўлади. Бу тўрсимон асаб тизими юқори умуртқалиларда «ретикуляр формация» деб номланган асб ҳолатларини эслатади. Бироқ ретикуляр формация юқори даражада ривожланган ҳайвонларда асаб тизимининг паст босқичи ҳисобланса, кўп хужайрали паст даражадаги ҳайвонларда асаб тизимининг ягона шакли сифатида талқин этиладиш. Бу асаб тизими кўпгина авзалликларга эга, лекин у ҳаракатни бошқара олмайди.

Тўрсимон асаб тизимининг сезувчанлигини кўтарилишигасабаб бўлиб нафақат контакт қўзғатувчилар, дистант қўзғатувчилар ҳам бўлиши мумкин. Тўрсимон асаб тизими бир қатор камчиликларга эган. Тўрсимон асаб тизимида асосий бошқарув ҳолатлари мавжуд эмас. Немис олими Бетс денгиз юлдузлари ўртасида тадқиқот ўтказган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, денгиз юлдузчаларининг биттаси етакчига айланади, унга таъсир қилинганда унга шу тола орқали ҳамма аъзолар жавоб бера юошлайди. Бироқ шу етакчи нур олиб ташланса, бошқа нур унинг функциясини бўйнига олиши мумкиндир. Бу эса денгиз юлдузининг нера аппарати ўша тамойилда қолганлигини кўрсатади. Янги асаб тизимининг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, улар хатти-ҳаракатини бошқара оладилар. Шу шароитлар марказий асаб тизимини пайдо бўлишини таъминлайди.

Бу асаб тизимини чувалчангларда кузатиш мумкин. Бу нерв тугунларидан иборат бўлиб, булар ганглионар асб тизими деб юритилади. Бу асаб тизимида олдинги ганглиянинг пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир, бу унинг бошқарув аппаратини пайдо бўлганлигини кўрсатади. Чувалчангларнинг асаб тизимини якунланганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳайвонларнинг инстинктив хатти ҳаракатлари

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра инстинктлар бу онгдаги мақсадларнинг йўқлигида ҳайвонларнинг мақсадли хатти-ҳаракатидир. Демак инстинкт бу наслдан наслга ҳеч қандай ўзгаришиз ўтадиган туғма хатти-ҳаракат формасидир. Бу хатти-ҳаракат шакли умуртқасизларнинг ҳаётида етакчи аҳамият касб этади, масалан қусурсқаларда бу хатти-ҳаракат

формаси асосийдир, қуйи даражада ривожланган умуртқалиларда ҳам инстинктлар етакчи ўрин эгаллайди фақат аста секинлик билан индивидуал ўзгарувчан хатти-ҳаракатларга ўрнини бўшата бошлайди. Агар ёмғир чувалчангини бош ганглиясини олиб ташлаганда у ҳаракат қилиши маълум. Ёмғир чувалчанги уйини қишда иссиқ тутиши учун ва озикланиши учун уйига дарахт баргини олиб кирар экан. Тадқиқотчилар шуни кузатишдики ёмғир чувалчанги баргни охиридан тортиб уйига олиб кирар экан. Бу хатти-ҳаракатни кўрганлар у ақлли хатти ҳаракат қилаяпти деган фикрга боришлари мумкин. Шунинг учун ҳам олимлар уни устидан тадқиқот ўтказиб чувалчангларни ҳаракатини кузатганлар. Улар чувалчангда шаклни идрок қилиш формаси борми ёки йўқлигини кузатганлар. Улар фаргни шаклига ўхшаш шаклни баргдан кесиб олганлар, баргни асоси ҳисобланган барг шакли ҳозирда охири ҳисоблана бошлаган, шунда чувалчанг охири ҳисобланган томонидан уйига торта бошлаган, демак чувалчанг бошқа омиллар орқали хатти-ҳаракатини бошқариши маълум бўлган. Демак чувалчанглар маълум бир туғма хатти-ҳаракатни амалга оширишини кузатишимиз мумкин. Бу хатти-ҳаракат формаларининг мураккаблиги нимадан иборатлигини кузатганимизда, шундай хулосага келишимиз мумкинки эволюция жараёнида қандайдир номаълум йўллар билан ҳайвонларнинг яшаши учун шарт шароит яратилади, бунда уларнинг тана шакллари, яшаш шароитлари ҳисобга олинади. Капалак ёки пашшанинг қаноти учуш учун энг мақбул асбоб ҳисобланади. асаларининг тумшуғи эса асал йиғиш учун энг мақбулидир. Ҳар бир кумурсқаларнинг хатти-ҳаракати яшаш учун энг мақбул ҳолатлардан бири ҳисобланади. Дарвиннинг фикрига кўра бу эволюциянинг натижасида, табиий танланиш вақтида вужудга келган ҳисобланади. Уларнинг насл қолдиришга бўлган хатти-ҳаракатида ҳам инстинкт формаларини кузатишимиз мумкин, масалан чивинлар ўз тухумларини сувга қўядилар, агар улар қуруқ жойга тухумларини қўйсалар тухумлар нобуд бўлишлари мумкин. Ипак қурти ўз ипагини катта қилиб ўрайди, чунки бунда унинг капалаги ўша жойда ҳаракатлана олиши керакдир. Оддий ари тухумини чувалчангга қўяди бунда у чувалчангни етакчи ганглиясини зарарлаб, тухумини қўяда бу ҳолатда чувалчанг ҳалок бўлмайди, балки арининг боласига ем бўлади. Бундай мураккаб хатти-ҳаракатлар ўзининг мақсадлилиги жиҳатидан ҳайрон қолдиради. Асаларининг ин қуриши ҳам жуда мураккаб ҳисобланади, у худди архитектор каби ҳамма қисмларни ҳисобга олган ҳолда ин қургандек кўринади. Масалан балиқлар, қушлар маълум бир худудда яшаб иккинчи худудга қишлар учун келадилар. Бу ҳолатда мураккаб хатти-ҳаракат формалари программалаштирилган ҳисобланади. Инстинктни тўрт асосий хусусиятини ажратишимиз мумкин, булар қуйидагилардир: наслийлик, ўкитишдан мустақиллик, бирхиллик, бир томонламалиқдир. Масалан асаларилар 140 га яқин хидларни ажратиш хусусиятига эгадирлар. Асалларилар тўлқинларни ҳам тез ва осон ажрата оладилар. Инсон тебранишлар частотасини секундига 20 дан 20мингга яқинини ажратади, кумурсқалар эса фақат ультразвук тебранишларига жавоб беради.

кумурсқаларда яна кўриши яхши ривожланган. Уларнинг кўзлари умуртқалилардан фарқли равишда бир неча минг алохида бўлимчалардан иборатдир. Демак кумурсқаларда юқори даражада ривожланган умуртқалилар каби ҳамма сезги органлари мавжуддир. Уларда кўзғалиш айнан шу органларда пайдо бўлади ва сўнгра олдинги ганглияга етказилади. Олдинги ганглияда учта турли хил қисмлар мавжуддир: олдинги қисм кўриш рецепторининг толалари боради, ўрта қисм хид билиш рецепторлари боради ва орқа қисм оғиз қисмининг рецепторлари боради. Шу тариқа асалариларда олдинги ганглияси таснифланган ҳисобланади, уларни эса умуртқалилар мияси билан ҳам солиштириш мумкиндир. Асалариларнинг ганглияси чувалчангларникига ўхшамаган тарзда тузилган, уларнинг ганглиялари тартибланган тарзда тузилгандир. Бу хатти-ҳаракатлар ёруғлик сигналларига жавоб беришга мўлжаллангандир. Асаларининг олдинги ганглияси келган маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятига эгадир, булар мураккаб хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради. Ҳар бир хатти ҳаракатлар инстинктив даражада тузилганлиги сабабли улардаги маълум ўзгаришларга ҳайвонлар жавоб беришмаслиги мумкин. Инстинктив хатти-ҳаракатнинг беш хил тури мавжуд. 1)озикланиш, 2)насл қолдириш, 3) наслга ғамхўрлик, 4)химояланиш, 5)ин қуриш ва гала бўлиб яшаш. Ҳар бир хатти ҳаракатлар шу инстинктлар асосида амалга оширилади. Улар мураккаб ҳолатларга дуч келсалар инстинктлар чегарасидан чиқиб кета олмайдилар. Масалан ўргимчак тўрига пашша тушганини вибрация орқали сезади ва озуқага интилади. Агар инига бошқа нарса тушса ҳам унга интилади, чивин сувга тухум қўяди, лекин ойнани кўрса ҳам тухум қўйиши мумкиндир.

Индивидуал ўзгарувчан хатти-ҳаракатлар.

Ривожланишни қуйи босқичидаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатида фақат туғма хусусиятлар устунлик қиоади деб айтилади. Бу туғма хусусиятлар маълум бир ўзгармас шарт шароитлар учун адекват ҳисобланади. Агар яшаш шароити тез-тез ўзгариб турса, туғма инстинктив хатти ҳаракатлар ноадекват ҳисобланади. Бу хатти-ҳаракатларнинг асосий камчилиги, бу уларни ҳар хил шарт шароитларга мослаша олмаслигидир. Шунинг учун ҳам ҳайвонларда индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатларга нисбатан эҳтиёжлар пайдо бўла бошлади. Эволюцион тараққиётнинг қуйи босқичидаги ҳайвонларда етакчи ўринни эгаллаган туғма хусусиятлар, сут эмизувчиларга келганда иккинчи планга ўтади. Энди ҳайвонат олами ташқи муҳитга мослашишга ҳаракат қиладилар ва бу хатти ҳаракатлар индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатни вужудга келишига замин яратади. Ҳаттоки бир хужайрали ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатида ҳам индивидуал ўзгарувчан фаолиятни кузатишимиз мумкин. Тўрсимон асаб тизимига эга бўлган ҳайвонларнинг хатти ҳаракатида ҳам бу ҳолатлар кузатилиши мумкин. Мураккаб рецепторларнинг шаклланиши ва ганглионар асаб тизимига эга бўлган ҳайвонларнинг хатти ҳаракатларидаи бу ўзгаришлар яққолроқ кузатишимиз мумкин. Ганглионар асаб тизимига эга бўлган ҳайвонлар кўзғатувчиларни комплекс тарзда қабул

қиладилар, бироқ улар алоҳила сигналларга жавоб берадилар. Бу босқичда ҳам туғма хатти-ҳаракат формалари етакчилик қилади. Бироқ уларнинг хатти ҳаракатини ўзгартириш мумкиндир. Асалариларни маълум шаклларни идрок қилишга ўргатиш мумкиндир. Лекин бу хатти ҳаракатлар чекланган ҳисобланади, улар инстинктлар доирасидан ташқарига чикмайди. А.Н. леонтъев томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳам ҳайвонларда индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатларни инстинктлар асосида шакллантириш мумкинлиги эътироф қилинган. Бу хатти ҳаракатларни пайдо бўлиши учун ҳайвонларда идрок қилиш қобиляти мавжуд бўлиши талаб қилинади. Умуртқалилар хатти ҳаракатини таҳлил қилаётган вақтда уларнинг ривожланиш даражасини уч хил босқичидаги ҳайвонларни кузатишимиз мумкин. Бунда қурбақанинг, судралиб юрувчининг ва сут эмизувчининг мияси таҳлил қилниганда қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Кўз кўзғалишларни қабул қилади, бу кўзғалишлар толаларга узатилади, улар ўрта мияга боради ўрта мияда кўзғалиш пайдо бўлади, бу бошқа ҳаракат қилувчи импульсларга узатилади. Қурбақа қимирлаётган озуқани кўргач озуқага ташланади, унинг рефлекслари ҳаракатни идрок қилади ва ундаги туғма хусусият ҳаракат қилиш ва озуқани ушлаб олиш учун амалга оширилади.

Бу ҳолатдан бошқачасини судралиб юрувчиларда кузатишимиз мумкин. Бу ҳолатда кўрув кўзғатувчилари кўрув нервларига маълумот етказадилар, кўрув нервлари эса ўрта мияга бориб маълум қаватларини кўзғатади, шунда судралиб юрувчиларда худди қурбақага ўхшаб озуқага ташланиш эҳтиёжи пайдо бўлади, лекин кўзғатувчиларнинг маълум бир қисми ўрта миядан ўтиб мия пўстлоғига қараб ҳаракатланади. Шу жойда олинган маълумотлар таҳлил қилинади. Шунга қараб уларнинг хатти-ҳаракатлари амалга оширилади. Бу ҳолат сут эмизувчиларда яққолроқ намоён бўлади. Фақат кўрув толаларининг маълум бир шохчалари тўрт бўртиқга бориб, кўрув рефлекслари етакчи ўринни тутди. Бу ҳолатда уларнинг хатти ҳаракатини бош мия бошқаради. Бош мия пўстлоғи жойида бир қатор толалар ўтиб, мия қавватларида тугайди. Бу афферент толалар ҳисобланади. Афферент толалар маълумотларни бош мияга етказди шу тариқа содда кўрув рефлекслари пайдо бўлади. Бош миядаги нейронлар (инсонда 12-14 млрд) ганглионар асаб тизимига ўхшаб турли хил жойларда жойлашмаган, улар тартибли жойлашган. Бош мия қавватлар 6 қавватли бўлимлардан иборатдир улар ҳар қандай хатти ҳаракатларни бошқариш хусусиятларига эгадирлар.

Қуйи даражада ривожланган ҳайвонларда кўриш, тактил, эшитиш кўзғатувчилари жуда бир бирига яқин жойлашган. Мураккаб даражада ривожланган ҳайвонларнинг кўриш, эшитиш, сезиш нервлари ўртасида деворлар мавжуд. Рецепторларнинг функциясидан кўра, миянинг у ёки бу функциялари яхши ривожланган бўлади. Масалан кучуклар хид билиш ва бошқалар. Америкалик физиолог олим Адриан турли хил ҳайвонларнинг мияларига кўзғатувчилар қандай таъсир қилишини ўрганган. Чўчқаларда бу тумшуқ бўлса, қўйларда лаби ҳисобланади. Ҳайвонлар қанчалик ривожланган бўлса, уларнинг фаолияти мияга боғлиқ бўлади. Агар қушнинг мия пўстлоғи олиб ташланса, у кўриши, дарахтга кўниши мумкин.

Каламушнинг бош мия аўстлоғи олиб ташланса ёруғликни идрок қилиши мумкин, бироқ шаклларни ажратиши қийин кечади. Агар маймунда бош мия пўстлоғи олиб ташланса, кўр бўлиб қолади. қуш бош миясиз олдин қандай учган бўлса шундай учиши мумкин, мушукдаги ҳаракатлар ҳам бош мияга алоқадор эмас унинг хатти-ҳаракати бир неча вақтдан сўнг тикланиши мумкин. Кучукнинг бош миясини олиб ташланганда 24 соантдан сўнг туриши мумкин, бироқ ҳаракат қила олмайди. Маймунда бош мия пўстлоғи олиб ташланса, унинг ҳаракати қайтмайди. Инсонда агар бош мия пўстлоғи зарарланса унда паралич ҳолати вужудга келади. Демак инсондаги хатти ҳаракатлар бошқа ҳайвонлардан кўра бош мия пўстлоғига алоқадор ҳолда кечар экан.

Индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатлар сенсор психикага боғлиқ ҳолда ҳам кечар экан. Буни идрок қилиш деб юритса бўлади. Ҳайвонларнинг хатти ҳаракати ва бош мияси қанчалик ривожланган бўлса, улар шу даражада атроф муҳитни таҳлил қилиш ва бунга жавоб бериш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳолатлар И.П.Павловнинг шартли рефлексларига мос келади.

Ҳайвонларнинг образларни сақлаб қолиши ҳам нерв фаолиятининг ривожланишига боғлиқ ҳолда кечади. Масалан каламушларда образларни эслаб қолиши 10-22 секунд, кучукларда 10 минутга яқин, маймунлар 16-46 соатгача образларни сақлаб қолишлари мумкин.

Ҳайвонларнинг интеллектуал хатти-ҳаракатлари.

Инстинктив хатти ҳаракат ва индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатдан сўнг яна бир ҳайвонларнинг фаолият шакли мавжуд, бу уларнинг ақлий фаолияти билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Булар интеллектуал хатти ҳаракатлар деб номланади. Инстинктив хатти ҳаракатни асосида ички механизмлар ётади, улар атроф муҳитга нисбатан бўлган муносабатни англаш ва мослашиш имкониятини берадилар, индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатнинг асосида идрок ётади, атроф муҳитда содир бўлаётган воқеаларни идрок қилиб ҳайвонлар ўз хатти ҳаракатларини ташқи муҳитга мослаштирадилар. Интеллектуал хатти ҳаракатларнинг асосида эса идрокнинг мураккаб шакллари ётади. Биринчи навбатда ҳайвонлар алоҳида хусусиятлари акс эттирган, бу хусусиятлар туғма табиатдан мавжуд бўлган хатти ҳаракатларни ишга тушурган, сўнгра ҳайвонлар бутун образларни қабул қилиб идрок қила бошлаган ва уларга мослашган, бу индивидуал ўзгарувчан хатти ҳаракатларни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Учинчи шакл эса содда тузилган ҳайвонларда камроқ кўринган, юқори даражада ривожланган ҳайвонларда бу хатти ҳаракатлар яққолроқ намоён бўлган. Бу алоҳида предметларни, алоҳида сўзларни, алоҳида вазиятларни акс эттирмай, балки мураккаб муносабатларни акс эттиради. Шу ҳолатлар интеллектуал хатти-ҳаракатнинг асосини ташкил қилади. Бунга Кёлернинг тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Товуқларнинг олдига иккита квадрат қўйилган, битта квадрат очик кулранг иккинчиси тўқ кулранг бўлган. Иккита квадратда ҳам буғдой сепилган, бироқ тўқ кулранг квадатдаги буғдой

елимланган эди. Шу тариха товукларнинг рангга нисбатан хатти ҳаракатини шакллантириш имконияти пайдо бўлган. Интеллектуал хатти ҳаракатлар ривожланишнинг турли босқичидаги ҳайвонларда турлича кечар экан. Грузин олими Бриташвилининг қилган тажрибаси таҳсинга сазавордир. Ривожланишнинг турли босқичларида бўлган ҳайвонларда тадқиқот ўтказган. Товук, сигир, кучук. Ҳайвонларни яшикка жойлаштиришган, яшикнинг олди томони тўрлардан иборат бўлган. Унинг олдида эса озуқа бўлган. Эволюциянинг турли босқичларида турган ҳайвонлар ўзларини турлича тутадилар, товук ўзини фақат тўрга ура бошлайди, сигир озуқага қараб кўяди, бироқ уни олиш учун керакли хатти-ҳаракатни амалга оширмайди, кучук эса озуқани бир неча мартаба олишга ҳаракат қилиб кўради, сўнгра озуқага қарама қарши ҳаракат қилиб тўрни босиб озуқани олади, маймун ҳам худди кучукка ўхшаган хатти ҳаракатни амалга оширади. Мураккаб хатти ҳаракатлар уч фазада амалга оширилади, биринчи фаза биринчи тажриба, уриниб кўриш, агар бу фаолият муваффақиятли яқунланса ҳайвонлар ўз хатти ҳаракатларини тўхтатадилар, бундан сўнг иккинчи фаза бошланади, ҳайвонлар вазиятларни тадқиқ эта бошлайдилар, тадқиқот яқунланса ҳайвонлар учун фазага ўтадилар, улар озуқага эмас, балки унга қарама қарши томонга қараб ҳаракатланадилар. кўпгина тадқиқотчилар охириги фазани акцепция фазаси деб номлайдилар. Бу ҳолат ҳайвонларнинг хатти ҳаракатларида муҳим аҳамият касб этади. Бундай хатти ҳаракатлар интеллектуал хатти ҳаракатларнинг структураси деб номланади.

Интеллектуал хатти ҳаракатни ташкил қилувчи омиллар тўрта назарияга бўлинган.

Биринчи назария америкалик психолог Иерксга тегишли. Бу назарияни инсайт деб номлашади, унинг таржимаси ўйлаб топиш, мияга келиши, ихтиро қилиш. Масалан маймун ўзининг ақллилиги билан бошқа ҳайвонлардан фарқланади, унда ақл кўринишлари мавжуд, у масалани ечаётган вақтда ўйлайди ва бирдангина унинг ҳаёлига ечим келади. Бу назариянинг камчилиги у интеллектуал хатти ҳаракатнинг механизмларини очмайди, фақат интеллектуал хатти ҳаракат эканлигидан далолат беради.

Иккинчи назария асосчилари америкалик олимлар Торндайк ва Скинерлар ҳисобланишади, уларнинг фикрига кўра интеллектуал хатти ҳаракатлар ҳайвонларнинг кўникма ва малакаларига боғлиқдир. Бу назария интеллектуал хатти ҳаракат формаларини инкор этади. Уларнинг фикрига кўра интеллектуал хатти ҳаракатлар ва кўникмалар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ айтадилар.

Учинчи назария юқоридаги иккита назариядан фарқланиб, у немис олими Кёлерга тегишли. Бу назария перцептор назария деб номланади. Кёлер ҳайвонларнинг идрок қилиш механизмлари билан шуғилланган. Идрок характерини интеллектуал хатти ҳаракатни кўрсатиш учун ишлатган. Бу назария бошқа назариялардан кўра аниқроқ таҳлил қилиб берилган.

Тўртинчи назария немис олими Бюлерга тегишли, унинг фикрига кўра ҳайвонларнинг интеллектуал хатти ҳаракатлари уларнинг хотирасига боғлиқ равишда амалга оширилади. Маймунлар олдинги тажрибаларидаги

вокеаларни эслабқолиб, уларни қайта эсга тушурадидлар. Бу назариянинг ижобий томонларидан бири бу экологик ёндошувларни ҳам инобатга оладидлар.

Бу фикрларга рус олимлари бирмунча бошқачароқ қилиб ёндошганлар. Улар интеллектуал хатти ҳаракатларда вужудга келадиган ҳолатларни таҳлил қилганлар. Биринчи ҳолат, ҳайвонларнинг интеллектуал хатти ҳаракатларитасодифий бўлиб улар муаммони ечимини топишда ёрдам беради. Иккинчи ҳолат, эволюциянинг турли босқичида бўлган ҳайвонларда бу хатти ҳаракатлар турлича амалга оширилади. Биринчи босқичда бир хужайрали ҳайвонларнинг ўзгарувчан шакллари мавжуд бўлиб, улардан индивидуал ўзгарувчан хатти-ҳаракатлар шаклланади. Иккинчи босқичда психиканинг ташқи шароитларга сенсон (сезги) мослашиш кўзда тутилади, кейинги босқичда сезги, оддий акс эттириш ўрнини идрок жараёни қамраб олади. Ҳайвонларда интеллектуал хатти ҳаракатлар вужудга келади.

Ҳайвонларнинг хатти ҳаракатлари ва инсонларнинг психологик фаолиятлари ўртасидаги фарқлар.

Юқори даражада ривожланган ҳайвонларда бош мия пўстлоқлари ривожланади, улар турли хил рецепторлардан келадиган сигналларга жавоб бериш хусусиятларига эгадирлар, юқори даражада ривожланган сут эмизувчилар хатти ҳаракатини мураккаб шакллари бажара оладидлар. Бу инсонлар ва ҳайвонлар ўртасидаги фарқлар йўқолади деган ҳолатларни бериши мумкин, ҳайвонлардаги интеллектуал хатти-ҳаракатлар уларда ақл бор деген тахминларни бериши мумкин. Бу тушунчалар хато ҳисобланиб, инсон ва ҳайвонлар ўртасида бир қатор тафовутлар мавжуд.

1. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларида инстинктив биологик хулқ атвор етакчилик қилади, уларда биологик мотивлар мавжуд. Улар биологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Ҳайвонлар биологик эҳтиёжлардан ташқарига чиқа олмайдилар. Улардаги ҳар қандай фаолият албатта инстинктлар асосида амалга оширилади. Инсонларнинг хатти-ҳаракатларини 10 тадан 9 таси мақсадга қаратилмаган фаолиятга йўналтирилади. Демак биринчи фарқ ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлар инстинктив хатти ҳаракатлар чегарасидан чиқмайди.

2. Иккинчи фарқ. Инсонлар ҳам ҳайвонлар ҳам меҳнат қиладилар. Бироқ ҳайвонлар фойдаланган меҳнат қуролларини сақлаб қўймайдилар. Инсонлар эса меҳнат қуролларини сақлаб қўйиб, уни такомиллаштирадидлар. Ҳайвонларда абстракт кўргазмали вазиятлар мавжуд эмас, ички вазиятлардан келиб чиққан ҳолда меҳнат қуролларидан фойдаланишлари мумкин, бироқ меҳнат қуролларини ташлаб кетаверадидлар. Ҳайвонлар бир меҳнат қуролларидан иккинчисини ясай олмайдилар. Уч ёшли болага бошқа меҳнат қуролларидан қандай фойдаланишни кўрсатсалар, бола дарҳол бу ҳаракатни қайтариши мумкин, ҳайвонларда эса бу ҳолат кузатилмайди. Ҳайвонлар учун буюмлар маъоум бир вазиятларда аҳамият касб этиши мумкин.

3. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари аниқ вазиятларга асосланган бўлади, улар инсонларга ўхшаб вазиятларни мавҳумлаштирмайдилар. Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Голланд психологик Бойтендайка томонидан ўрганилган ҳолат. Ҳайвонларнинг олдига банклар қатори қўйилган, битта банкада озуқа бўлган. Ҳайвон озуқани қайси банкага қўйилганини кўрган. У озуқани олиб истемол қилган. Иккинчи тажрибада озуқа иккинчи банкага қўйилган. Ҳайвонлар олдин биринчи банкани, сўнгра иккинчисини очиб кўришган, улар бутун тажриба давомида олдин биринчи банкани сўнгра кейинги банкани очиб озуқани ола бошлаган. Инсонда эса кейинги банкага қаратилган фаолият мавжуд бўлган. Икки ярим яшар инсон боласи ҳам шу тажрибани аниқ бажара олган. Демак ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари фақат идрок этилган ҳолатларга нисбатан бўлар экан.

4. Агар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларида фақат иккита омил мавжуд бўлса, инсонлар хатти-ҳаракатларига яна бир ҳолат қўшилади, бу ҳайвонларда мавжуд эмас, ҳайвонлар наслий хатти-ҳаракат ва шахсий тажрибаларига суянсалар, инсонларда яна бошқа омиллар ҳам мавжуд. Инсонлар жамоавий тажрибаларга ҳам суянишлари мумкин, улар бошқа инсоннинг тажрибаларига ҳам таянадилар. Бу ижтимоий тажриба ҳайвонларда кузатилмайди.

5. Ҳайвонлар ташқи шарт-шароитларга мослашадилар, инсонлар эса ташқи шароитларни ҳзларига мослаштирадилар.

6. Ҳайвонларда фақат маълум бир шарт шароитлардагина ҳамкорликдаги фаолият амалга оширилади, инсонлардаги фаолиятларнинг ҳаммаси ҳамкорликдаги фаолият билан боғланган.

Инсоннинг психологик фаолияти ҳайвонларнинг психологик фаолиятларидан тубдан фарқ қилади. Инсоннинг хатти-ҳаракати биологик мотив ва биологик эҳтиёжлар асосида кечмайди. Уларда маънавий эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Ҳайвонлардан фарқли равишда инсон ўз олдига мақсад қўя олади. Инсон қанчалик оч бўлмасин ҳам махсулотларни истемол қилмайди.

Ўқиш, меҳнат фаолиятини инсон онгли равишда амалга оширади. Демак инсон бир фаолиятни бажаришдан олдин ўзига мақсад қўяди ва шу мақсад сари интилади. Демак **биринчи психологик фарқлардан** бири инсон ўз эҳтиёжларидан ташқари олдига мақсад қўя олади. **Иккинчи психологик фарқ** инсон ва ҳайвонларнинг атроф муҳитга бўлган муносабатларидир. Масалан сайрга чиққан вақтда инсон ўз фаолиятини бошқаради ва шунга қараб ҳаракат қилади. Инсон ҳатто қаттиқ чанқаган вақтда ҳам ариқдаги ифлос сувни истемол қилмайди. Инсон қонуниятларни таҳлил қилади. **Учинчи психологик фарқ** у бошқа инсонлар тажрибасига таяниши мумкин. Инсон ўз фаолиятини режалаштириш хусусиятига эгадир. Инсоннинг хатти-ҳаракатлари қуйидаги назарияларга таянган ҳолда кечади.

Биринчи назария онг инсоннинг ички хусусиятларини очиб беришга қаратилган жараён дур. Шу билан у ҳайвонлардан фарқланади. Декартнинг фикрига кўра ҳайвонлар механизмга ўхшайдилар, улар табиат қонунларига таянган ҳолда яшайдилар, инсон эса маънавий мавжудот, у ақл қонунияти асосида яшайди.

Иккинчи назария. Онгнинг вужудга келиши бу диалогик назария ҳисобланади. Бу назарияда онгни ҳайвонларнинг эволюциясидан чиқаришга қарилган фаолияти сифатида кўрсатиш яққол акс этган. Инсон ҳайвонлардан ижтимоий жамоада яшаётганлиги билан фарқланади. Инсоннинг фаолиятида меҳнатдан ва меҳнат куруллари билан фойдаланиш вужудга келиши билан инсон фаолиятида ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлаган. Олдин меҳнат уруллари оддий тош, чўп ҳисобланган бўлса, маълум вақт ўтиб улар такомиллашган ва ривожлантирилган. Инсоннинг меҳнати ҳеч қачон яққа ҳолда амалга ошмаган улар жамиятда биргаликда фаолият қилишлари билан ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларидан фарқланадилар.

Нутқ ва юқори психологик функцияларни шаклланиши.

Инсон онги ижтимоий чуқур табиатга эга. У предметли фаолият жараёнида, боланинг катталар билан мулоқотида, катталарнинг бир бирлари билан мулоқот жараёнларида шаклланади ва бошланишидан ижтимоий характерга эга. Мулоқот жараёнида болага умуминсоний тажрибаларнинг асоси бериладишунинг учун индивидуал психологик, алоҳида шахс психологияси ижтимоий ҳолат ҳисобланади. Агар умуминсоний тажрибани бериш жараёнида сўзлар алоҳида аҳамият касб этса, иборалар ҳам инсоний тажрибаларни етказишида муҳим рол ўйнайди.

Маълумотларни гапоар орқали етказиш иккига бўлиниши мумкин. Аниқ воқеалар ҳақида хабар етказиш ёки воқеа коммутацияси ва машҳур мантиқий муносабатлар орқали етказиш ёки муносабатлар коммутацияси мавжуддир.

Муносабатлар коммутацияси ҳиссий тажрибадан онгнинг мураккаб рационал шаклларига ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

Тилга таъсир қилишнинг уч шакли ҳам мавжуд. Инсоннинг тилида нафақат сўзлар сақланади, унда мантиқий тизимлар ҳам мавжуд. Булар ташқаридан келган маълумотларни нафақат қабул қилиш, балки таҳлил қилиш қобилиятига эга. Демак тил инсонда мантиқий хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Ёш бола ўзининг индивидуал тажрибаларига таяниб хулоса чиқариш имкониятига эгадир. Оловни танани куйдиришини ота онасидан билиш ёки ўзининг ҳиссий сезгиси орқали ҳам билиш мумкин. Агар инсон фақат ўз тажрибасига таяниб хулоса чиқарса, унинг индивидуал имкониятлари чекланган бўлар эди. Шунинг учун ҳам тил орқали мантиқий фикрларни аниқлаш мумкин.

Ўз тажрибасига таянмай, мантиқий муносабатлар асосида хулоса чиқариш имконияти билишнинг янги рационал ва мантиқий шакллари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаттоки воқеалар иштирокчиси бўлмаган тақдирда ҳам ўзининг билиш ва мантиқий структурасига таянган ҳолда хулоса чиқариш имкониятини беради.

Тилнинг мантиқий тизимида инсонга тайёр тафаккурнинг динамик курули берилади, шу тариқа мантиқий структуралар ўзлаштирилади, инсонни билиш имкониятлари ортади.

Бу онгнинг янги имкониятлари, тил орқали ўзлаштирилади, бу эса онгнинг ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тилнинг муҳим функцияларидан бири бу, унинг асосида сезги, идрок, диққат, тафаккур, хотира, хаёл, эмоция, ирода вужудга келади. Бу қараш Л.С.Виготский томонидан фанга киритилган.

Маълумки ҳайвонларда сезги ва комплекс идрок мавжуд. Ҳайвонларда диққат ҳам мавжуд, у муҳим сигналларни танлаб олади ва керак бўлмаган ҳаракатларни тўхтатади, ҳайвонларда ҳам хотира мавжуд, у хотира орқали олдинга тажрибалар асоратини сақлайди ва маълум шарт шароитларда уларни ишлатади.

Табиий бундай функциялар ҳам инсонларда ҳам мавжуд, лекин уларнинг ҳайвонлардан фарқи, инсонларда бу жараёнлар нутққа боғланган ҳолда амалга оширилади. Бу функциялар онгнинг тарихий шаклланиши билан генетик жиҳатидан боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси инсон психикасининг ўзига хослигини ташкил қилади.

Инсоннинг сезгиси ва идрокининг ўзига хослигибу ҳар бир сезги ва ҳар бир идрок нафақат сезувчи компонент, балки сўз орқали ифода қилинган рационал компонентлар ҳам мавжуд ва айнан шу сезги ва идрокни муоаккаблаштиради. Масалан 1,5 млн ранг тури мавжуд. Бироқ биз 12-15 ёки 20-30 сўз орқали рангларни номлаймиз уларни биз қизил, сариқ, яшил, кўк, қора. Биз оангларни бошқа сўзларини топа олмаймиз, лекин қалбимизда уларни номлай бошлаймиз. Биз товушларни ҳам худди шундай таҳлил қиламиз уларни маълум бир сифатларга ажратамиз. Бу сезгиларнинг намоён бўлишига мисол бўлишим мумкин. Ҳар бир билиш жараёнларига нутқнинг бевосита алоқаси мавжуд.

Онтогенезда психологик ривожланишнинг асосий тамойиллари.

Инсонлар ривожланишининг ёш босқичлари.

Боланинг ривожланиш босқичини биз икки даврга бўламиз. Биринчи давр эмбрионлик даври ҳисобланса, иккинчи давр туғилгандан кейинги давр. Эмбрионлик даврида ёш бола бир хужайраликлардан тортиб то ҳозирги кунга қадар ривожланиш босқичларини қайтаради. Бола туғилгандан кейинги даврлар қуйидаги босқичларга бўлинади.

Чақалоқлик даври: (туғилганидан 1 ойликкача бўлган давр)

Гўдаклик даври (1 ойдан- 1 ёшгача)

Илк болалик даври (1 ёшдан – 3 ёшгача)

Мактабгача ёшдаги давр (3 ёшдан- 7 ёшгача)

Кичик мактаб ёши даври (7 ёшдан -10 ёшгача)

Ўсмирлик даври (10 ёшдан-15 ёшгача)

Ўспиринлик даври (15 ёшдан-21 ёшгача)

Етуклик даври (23 ёшдан-55 (60) ёшгача)

Кексайиш даври (60 ёшдан -74 ёшгача)

Кексалик даври (75 ёшдан -90 ёшгача)

Узоқ умр кўрувчилар (70 ёш ва ундан юқори)

Чақалоқлик даври. Боланинг она қорнидаги ўсиш даври онанинг организмига узвий боғлиқ ҳолда кечади. Чақалоқнинг барча ҳаётий функциялари овқатланиш, нафас олиш, нафас чиқариш, ҳаво ҳароратининг ўзгаришига ва атмосферадаги моддалар алмашинувига мослашиш ва ҳақозолар онанинг организми орқали амалга ошади. Чақалоқ ҳайвонларнинг болаларига қараганда ҳимояга муҳтожроқ, ночорроқ бўлиб туғилади. Туғилиш арафасида унда наслий йўл билан мустаҳкамланган айрим механизмлар, шартсиз рефлекслар пайдо бўладики, булар янги ҳаёт шароитига мослашишни бирмунча енгиллаштиради. Чақалоқнинг нерв фаолияти шартсиз ва шартли рефлекслар таъсирида вужудга келади. Чақалоқлик даврида асосан сезиш шаклланади.

Гўдақлик даври. Гўдақнинг ҳаётий фаолияти ва тақдири уни қуршаган, парваришлайдиган катта ёшдагиларга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг барча эҳтиёж ва талаблари фақат шулар томонидан қондирилади. Гўдақлик даврида катталар билан фаол алоқага киришиш эҳтиёжи туғилади ва бу алоқа нутқ дарвригача мулоқотнинг ўзига хос янги шакли сифатида боланинг ўсишида муҳим рол ўйнайди. Бир ёшгача даврда пайдо бўлган эҳтиёжнинг тобора чуқурлашуви билан нутқ дарвригача мулоқот чекланганлигининг номуносивблиги бир ёшдаги инқирозни келтириб чиқаради. Гўдақ ўсишининг мураккаблиги унинг хилма хил фаолияти ўзаро боғланганидир. Шунинг учун катта ёшдаги одамлар бу даврда гўдақнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳаракат қилишлари керак. Шундаги уларнинг бола психик дунёсига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиши бола ёш мия катта ярим шарларининг пўстининг фаолиятини такомиллаштиради. Гўдақлик даврида идрок, хотира жараёнлари шаклланади.

Илк болалик даври. Илк болалик даври алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда болаларда нутқ шаклланади, юриш кўникмаларига эга бўла бошлайди. Илк болалик даври амалий ҳаракат тафаккури вужудга келадиган давр ҳисобланиб, кўл операциялари турли нарсалар ва қурилмалар билан алмашинади. Бола ижтимоий қурооллардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириши натижасида унда предметли ҳаракат кўникмаси шаклланади. Жисмлар билан турли ҳаракатларни ўзлаштиришда улардаги муҳим ва ўзгармас аломатларни ажратиш кўникмаси ҳосил бўлади, натижада умумлаштириш ва умумий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни юз беради. Янги шароитда предметли ҳаракатдан фойдаланиш боланинг ақлий ўсишига ижобий таъсир қилади. Ўз хатти ҳаракатини катталарнинг ҳаракатлари билан солиштириш ва унинг ўхшаш жиҳатларини топиш боланинг ақлий ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ақлий ўсишни тўғри йўналтириш учун бола билан махсус режа асосида машғулотлар ўтказиш зарур.

Мактабгача ёш даври. Мактабгача ёшдаги давр ўз ичига 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. 3 ёшда ҳаракатни мувофиқлаштириш жараёнининг такомиллашуви бола югирганида, бир жойда тик турганида мувозанатни чақлаш имконини яратади. Бунинг натижасида бола мустақил ҳолда турли ҳаракатларни амалга ошира бошлайди. Жисмоний жиҳатдан мустақилликка эришиш болада эркин, катталарнинг назоратсиз, ўз холича

қандайдир ишларни бажариш, умуман микро ва яшаш истагини туғдиради. Бу даврда эгоцентрик еутқ муҳим аҳамият касб этади. Ролли ўйинлар уларнинг фаолиятларида етакчилик қилади. Ролли ўйин фақат алоҳида олинган жараён учун аҳамиятли эмас, балки болада шахсий хусусият ва фазилатларни шакллантиришда ҳам зарурдир.

Кичик мактаб ёши даври. Кичик мактаб ёши даврига 6-10 ёшли бошланғич синфларнинг ўхувчилари киради. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёждар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ихтиёрсиз диққат, механик хотира яхши ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда “вақт” тушунчаси билан дуч келишади, лекин улар кундалик тажрибалари доирасидан чиқишмайди.

Ўсмирлик даври. Ўсмирлик инсоннинг балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқланади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Балоғат даврига 11-15 ёшгача бўлган қиз ва ўғил болалар киради. Бу даврда жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади. Бу даврда жинсий безлар фаолияти кучаяди. Ўсмирларда жинсий етилиш сирларининг 17 фоизини ота-онадан, 9 фоизини ўқитувчилардан, 4 фоизини мактаб врачлари ва психологидан, қолган фоизини ўртоқларидан, тенгдошларидан кўча куйдан оладилар. Ўсмирлардаги физиологик, психологик нуқсонлар уларни тарбияси қийин ўсмирлар каторига қўшилишига олиб келади.

Ўспиринлик даври. Ўспиринлик даври иккига бўлинади илк ўспиринлик ва ўспиринлик. Илк ўспиринлик даври 15-18 ёшларни қамраб олади. Бу коллеж ва лицей талабалари ҳисобланишади. Ўспиринлик даври талабалик даври ҳисобланади 19-23 ёшларни қамраб олади. Илк ўспиринлик даври катта ҳаёт остонасида турган ёшлар ҳисоблангани учун улардаги энг катта мотивлардан бири бу касб танлаш мотиви ҳисобланади. Бу даврда меҳнат фаолияти устунлик қилади. Ўспиринлик даврига келиб мустақил ҳаётга қадам ташланади, бунинг натижасида ҳар бир ёшда умр йўлдоши танлаш вазифаси устунлик қилади. Бунда ҳар мотивлар асосида умр йўлдоши танланади.

Етуклик даври. Етуклик даври уч босқичга бўлинади: ёшлик, биринчи босқичи ва иккинчи босқичи. Ёшлик даври 23-28 ёшлардан иборат бўлиб, бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида камолга эришган шахс сифатида фаол иштирок этиш ва ишлаб чиқаришда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборатдир. Етуклик даврининг биринчи босқичига 28-35 ёшлар киради етуклик даврида одам ўзининг барча куч-қуввати, қобилияти, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз касбига, ижтимоий фаолиятига, жамоат ишларига тўла сафарбар қила олади. Етуклик даврининг иккинчи босқичи 36-55 (60) ёшлардаги эркак ва

аёлларни ўз ичига олади. Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллайди, унинг бошланиш нуқтаси 45-50 ёшлардир. Лекин одамларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бу, чегара турлича, масалан, бу бир кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин.

Психогерантология кексалик даври. Кексайиш даврига 61 (56) -74 ёшли эркак ва аёллар киради. Бу даврдаги кишилар, хилма хил хусусиятлари, шахслараро муносабатлари билан бошқа ёш даврдагиларидан ажралиб туради. Мазкур ёшдагиларни шартли равишда иккига ажратиш мумкин: а)мутлақо истеъфога чиққан, ижтимоий фаол бўлмаган эркак ва аёллар, б)нафақахўр эркан ва аёллар, лекин ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу жабҳаларида фаолият кўрсатаётган кескалик аломатлари босаётган одамлар. Кексайиш даврида биологик органларнинг заифлашуви психик жараёнларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Руҳий кексайиш аломатлари аёлларда эртароқ пайдо бўлади.**Кексалик даври.** Кексалик 75-90 ёшдаги эркак ва аёллар киради ва бундай одамларнинг бошқа ёш даврларидаги одамлардан кескин фарқланадиган хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Кексаларни жисмоний ва ақлий фаолликка мойил ҳамда пассив турмуш тарзига кўниккан қариялар гуруҳига ажратиш мумкин

ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР

- Бауер Т. Психическое развитие младенца. М.: Прогресс, 1979.
- Биоакустика. Учебное пособие. Под ред. Ильичева В.Д. М.: Высшая школа, 1975.
- Биттерман М. Е. Эволюционное развитие условнорефлекторной деятельности//Механизмы формирования и торможения условных рефлексов. М.: Наука, 1973. С. 13-25.
- Вагнер В. А. Биопсихология субъективная и объективная//Хрест. по зоопсихологии сравнительной психологии. М.: Росс, психол. об-во, 1997. С. 5—15.
- Гудолл Дж. Шимпанзе в природе: поведение. М.: Мир, 1992.
- Дарвин Ч. О выражении ощущений у человека и животных//Собр. соч. М.: Изд-во АН СССР, 1953.
- Дарвин Ч. Происхождение человека и половой подбор//Соч. СПб., 1896. Т. 2.
- Дьюсбери Д. Поведение животных: Сравнительные аспекты. МЛ: Мир, 1981.
- Ерахтин А. В., Портнов А. Н. Философские проблемы этологии и зоопсихологии. М.: Знание, 1984.
- Жинкин Н.И. Психологические основы развития речи// В защиту живого слова. М., 1966.
- Келер В. Исследование интеллекта человекоподобных обезьян. М.: Комакадемия, 1930.
- Кликс Ф. Пробуждающееся мышление. М., Прогресс, 1989.
- Котляр Б.И. Пластичность нервной системы. М.: Изд-во МГУ, 1986.
- Коул М., Скрибнер С. Культура и мышление. Москва, 1977
- Линден Ю. Обезьяны, человек, язык. М., 1981.
- Линден Ю. Обезьяны, человек и язык. М.: Мир, 1981.
- Лоренц К. Человек находит друга. М.: Изд-во МГУ, 1992.
- Льюин Б. Гены. М.: Мир, 1987.
- Мазер К., Джинкс Дж. Биометрическая генетика. М.: Мир, 1985.
- Мак-Ларен А. Химеры млекопитающих. М.: Мир, 1979.
- Мак-Фарленд Д. Поведение животных. М.: Мир, 1988.
- Меннинг О. Поведение животных: Вводный курс. М.: Мир, 1982.
- Орбели Л. А. Вопросы высшей нервной деятельности. М.;Л.: АН СССР, 1949.
- Пенфилд В., Робертс Л. Речь и мозговые механизмы. Л.,1964.
- Петрова Е.А. Знаки общения. (Визуальная психосемиотика). – М.: Изд-во Гном и Д, 2001.
- Пиаже Ж. Избранные психологические труды. М.: Просвещение, 1969.
- Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. СПб. 1997.
- Пиз А. Язык телодвижений. М.: Эксмо-Пресс. 2000.
- Прайор К. Не рычите на собаку: О дрессировке животных и людей. М.: Селена, 1995.
- Рэфф Р., Коффмен Т. Эмбрионы, гены и эволюция. М.: Мир, 1986.

- Солсо Р. Л. Когнитивная психология. М.: Тривола, 1996.
- Спрингер С., Дейч Г. Левый мозг, правый мозг. М., 1983.
- Тейяр де Шарден П. Феномен человека. М. 1965.
- Толмен Э. Когнитивные карты у крыс и человека//Хрест. по зоопсихологии и сравнительной психологии. М.: Росс, психол. об-во, 1997. С. 172-184.
- Трут Л. Н. Проблема дестабилизирующего отбора в развитии//Современные концепции эволюционной генетики. Новосибирск: ИЦиГ, 2000. С. 7—21.
- Фабри К. Э. Орудийные действия животных. М.: Знание, 1980.
- Фабри К. Э. Основы зоопсихологии. М.: Изд-во МГУ, 1976. (2-е изд., 1993).
- Физиология поведения: нейробиологические закономерности. Ред. Батуев А.С. Л. Наука. 1987.
- Флесс Д. А. Экспериментальный и фармакологический анализ механизмов реакции экстраполяции//Биол. и мед. кибернетика. Ч. 2. Физиол. кибернетика. М., 1974. С. 164-171.
- Флесс Д. А., Стародубцев Ю. Д., Крушинский Л. В. Исследование рассудочной деятельности (реакция экстраполяции) у дельфинов-афалин. ДАН СССР. 1987. Т. 293. №5. С. 1269-1273.
- Флесс Д. А., Стародубцев Ю. Д., Стародубцева Е. М. О способности дельфинов афалин к обобщению по относительному признаку//Журн. высш. нерв. деят. 1990. Т. 40. № 1.С. 44-50.
- Флуранс П. Об инстинкте и уме животных. СПб., 1900.
- Фогель Ф., Мотульский А. Генетика человека: В 3 т. М.: Мир, 1989.
- Фосси Д. Гориллы в тумане. М.: Мир, 1990.
- Хайнд Р. Поведение животных. М.: Мир, 1975.
- Хильченко А. Е. Исследование высшей нервной деятельности антропоидов (шим-панзе)//Вопр. физиол. АН УССР. 1953. № 4.
- Цейтлин С.Н. Язык и ребенок (лингвистика детской речи). М., Владос, 2000.
- Шаллер Дж. Год под знаком гориллы. М.: Мир, 1968.
- Шеперд Г. Нейробиология. М.: Мир, 1987.
- Шовен Р. Поведение животных. М.: Мир, 1972.
- Штодин М. 77. Материалы к вопросу о высшей нервной деятельности человекообразных обезьян (шимпанзе)//Тр. Ин-та эволюц. физиол. и патологии ВИД им. И. П. Павлова. Л.: Изд. АН СССР. 1947. Т. 11. С. 171-183.
- Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.
- Эволюционная физиология. Ч.1. Под ред. Е.М.Крепса. В серии: Руководство по физиологии.- Л.:Наука.1979..
- Эккерт Ф., РэнделаД., Огастин Дж. Физиология животных: Механизмы и адаптация. М.: Мир, 1991.
- Эрман Д., Парсонс 77. Генетика поведения и эволюция. М.: Мир, 1984.

**Талабалар билимини рейтинг тизими
асосида баҳолаш мезони**

№	Назорат турлари	Ўтказиш шакли	Бажариш механизми	БАЛЛАР		Ўтказиш ҳафтаси	
				максимал	саралаш		
1	1-ЖН	Оғзаки	Слайдлар асосида тақдимот	10	5,5	Тасдиқланган рейтинг жадвали асосида	
2	2-ЖН	Оғзаки	Савол жавоб шаклида	10	5,5		
3	3-ЖН	Оғзаки	Ақлий хужум асосида кутилмаган саволларга жавоблар	10	5,5		
4	4-ЖН	Оғзаки	Пресс конференция шакли	10	5,5		
3	1-ОН	Тақдимот	Слайдлар асосида тақдимот қилиш	15	8,4		
	2-ОН	Ёзма	3 та савол ҳар бири 5 баллдан	15	8,4		
4	ЯН	Ёзма	Ҳар бир талабага 30 тадан тест саволлари берилади ҳар бири 1 баллдан	30	-		
ЖАМИ				100	55		100

Жорий назоратни баҳолаш мезонлари:

1) 35-40 балл учун талабанинг жорий назорати қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- берилган саволларга батафсил жавоб бериш ва мазмунини тўла ёритиш;
- фикрни илмий-назарий адабиётлар ёрдамида асослаш;
- қўйилган масала юзасидан мустақил мушоҳада юритиш;
- тизимли ёндашиш, узвийликка амал қилиш;

- мавзуни услубий жиҳатдан кетма кетликда сўзлаш;
- назарий жиҳатдан хулосалаш.

2) 28-34 балл учун талабанинг жорий назорати қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- тақдим этилган саволлар мазмунини англаш;
- мавжуд илмий адабиётлардан келиб чиқиб, саволларга жавоб ёзиш реферат мавзусининг моҳиятини ёритиш;
- мустақил фикр юритиш;
- тизимли ёндашиш;
- баъзи имловий хатоларнинг мавжудлиги;
- илмий хулосаларни баён қилиш;

3) 22-27 балл учун талабанинг жорий назорати қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- савол моҳиятини тушуниш;
- берилган саволни қисман таҳлил қилиш;
- билдирилаётган мулоҳазаларни назарий жиҳатдан асослаш;
- қўйилган вазифалар юзасидан мустақил фикр юритиш;
- жавобларда қисман тизимли ёндашув ва узвийликнинг мавжудлиги;
- -мавзуни услубий жиҳатдан кетма кетликда сўзлашни бузилиши;
- муайян хулосаларни қайд этиш;

0-21 балл учун талабанинг жорий назорати қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- қўйилган масала ҳақида тасаввурнинг мавжудлиги;
- саволларга жавоб ёзиш ва ёритишда илмий-назарий қоидаларга риоя қилмаслик;
- берилган матнни таҳлил қила олмаслик;
- фикрнинг назарий адабиётлар ёрдамида етарлича асосланмаганлиги;
- тизимли ёндашув ва узвийлик тамойилларига амал қилинмаганлиги;
- ишда имловий, услубий, пунктуацион хатоларга йўл қўйиш;
- хулосаларда ёндашувнинг юзаки эканлиги.

Оралик назоратни баҳолаш мезонлари:

26-30 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мавзуни мақсад ва вазифаларини аниқ мавжудлиги тўлиқ ёрилилганлиги;
- тақдимот мазмунининг бир тизимда маъруза қилиниши;
- тақдимотни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус программалардан фойдаланилганлиги;
- хориж тажрибалари ва адабиётларнинг ўрганилганлиги;
- янги методлардан фойдаланилганлиги;

- илмий-назарий қайд этилган мулоҳазалардан атрофлича хабардор бўлиш.

- илмий хулосанинг мавжудлиги;

22-25 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши керак:

- мавзуни мақсад ва вазифаларини аниқ мавжудлиги ёрилганлиги;
- тақдимот мазмунининг бир тизимда маъруза қилиниши;
- тақдимотни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда махсус программалардан фойдаланилганлиги;
- хориж тажрибалари ва адабиётларнинг ўрганилганлиги;
- янги методлардан фойдаланилганлиги;
- илмий-назарий қайд этилган мулоҳазалардан хабардор бўлиш.

17-21 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мавзуни мақсад ва вазифаларини аниқ мавжудлиги ёрилганлиги;
- тақдимот мазмунининг аралаш холда маъруза қилиниши;
- тақдимотни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда махсус программалардан фойдаланилганлиги;
- хориж тажрибалари ва адабиётларнинг ўрганилганлиги;
- янги методлардан кам фойдаланилганлиги;
- илмий-назарий қайд этилган мулоҳазалардан кам хабардор бўлиш.

0-16 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мавзуни мақсад ва вазифаларини йўқлиги;
- тақдимот мазмунининг маъруза қилинмаслиги;
- тақдимот тайёрламаганлиги;
- хориж тажрибалари ва адабиётларнинг ўрганилмаганлиги;

Якуний назорат учун баҳолаш мезони

26-30-балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

Таҳлил қилиш ва юқори фикрлаш қобилиятига эга

- Тест саволларини тўғри мушоҳада қилиб психологик атамаларни яхши топиб бера олса;
- Тест саволларидан камида 26 тасига жавоб берса.

21-25-балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

Таҳлил қилиш қобилиятига эга

- Умумий психология фани бўйича назарияларни билса;
- Умумий психологияга оид тушунчаларни мустақил фикрлай олса.

*20-16 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга
жавоб бериши лозим:*

Тушуниш қобилиятига эга

- Психология бўйича билимларни қисман билса, психологик ҳолатлар, индивидуал психологик хусусиятлар ва психик жараёнлар айрим ноаниқ фикрларга эга, саволларга жавоблар юзаки ёритилган бўлса.

*0-15-балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга
жавоб бериши лозим:*

Тушуниш қобилияти суст

Психологик билимларга эга эмас назарияни амалиёт билан боғлай олмайди орфографик ва стилистик хатолари кўп бўлса.

